

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

45-сон
(961)
2020 йил
16 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

501. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 ноябрдаги ЎРҚ-646-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

502. «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6109-сон Фармони

503. «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон Фармони

504. «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-

- тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон қарори [Кўчирма]
505. «Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4888-сон қарори
506. «2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон қарори
507. «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон қарори
508. «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон қарори
509. «Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4892-сон қарори

Бешинчи бўлим

510. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 26 октябрдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-4*)
511. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 5-2020-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 38-2020-Б-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 44-сон «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдмачи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****501 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 25 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 21 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–ХП-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда, № 9, 589, 591-моддалар; 2020 йил, № 3, 198-модда) **75-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–ХП-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил,

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 ноябрда эълон қилинган.

№ 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда) қўйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 32-модданинг тўртинчи қисми:

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2020 йил 1 январдан — тўланган ижтимоий солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

2) 36-модданинг биринчи қисми:

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — тўланган ягона ижтимоий тўлов миқдоридан»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2020 йил 1 январдан — тўланган ижтимоий солиқ миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади»;

3) 37-модда биринчи қисмининг «г» банди:

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2020 йил 1 январдан — ижтимоий солиқ тўланган тақдирда»;

4) 40-модданинг биринчи қисми:

учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабрга қадар бўлган давр учун — ягона ижтимоий тўлов тўланган тақдирда»;

қўйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«2020 йил 1 январдан — ижтимоий солиқ тўланган тақдирда».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Фермер хўжалиги тўғрисида**»ги 602–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 4, 199-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) **30-моддасига** қўйидаги ўзгаришлар киритилсин:

биринчи қисмидаги «шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи — бешинчи қисмлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги 69–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган ЎРҚ–328-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 5, 133-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 384, 385-моддалар; 2018 йил, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 2, 47-модда, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **39-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ташаббуси билан чиқиш тегишли тадбиркорлик субъекти томонидан қонун ҳужжатлари бузилиши содир этилиши хавфи даражасидан келиб чиққан ҳолда хавфни таҳлил этиш натижалари асосида назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган барча текширувлари Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олиниши шарт, бундан камерал солиқ текширувлари мустасно.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ўтказилган текширувлари натижалари назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар тугатилгандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида киритилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олмасдан ўтказилган текширувлари қонунга хилофдир.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширувларни ўтказиш муддатлари ўн календарь кундан ошмаслиги керак.

Солиқ текширувлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган тартибда ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун солиқ органи раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) буйруғи асос бўлади. Сайёр солиқ текшируви ўн кундан ошмаган муддатда ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудитини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига белгиланган муддатлардан ошмаслиги лозим.

Солиқ органи солиқ аудитини ўтказишнинг бошланиши тўғрисида солиқ аудити бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини солиқ аудитини ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Агар солиқларни тўлашдан бўйин товлаш белгилари мавжуд бўлса, солиқ органи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тадбиркорлик субъектини олдиндан хабардор этмасдан солиқ аудитини бошлашга ҳақлидир.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ аудити белгиланган тартибда фақат солиқ органлари томонидан, солиқ аудитини ўтказиш давомида бюджет, солиқ ва валютага оид қонун ҳужжатлари бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари аниқлаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Солиқ аудити:

аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаган (шу жумладан камерал текширув натижаларига кўра тақдим этилган, аниқлаштирилган талабномадан кейин) ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаган ёки тақдим этган асосномалари етарли эмас деб топилган солиқ тўловчилар бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг хавфини таҳлил этиш натижалари асосида белгиланадиган юқори даражадаги хавфга эга бўлган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) тоифасига мансуб солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) бўлган тадбиркорлик субъектларига нисбатан ўтказилади.

Текширув бошланишидан олдин текширувни амалга оширувчи мансабдор шахс томонидан тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг текширувда иштирок этиш учун юридик хизмат вакилларини ва (ёки) адвокатни жалб этиш ёки уларнинг иштирокини рад этиш ҳуқуқи ёзма шаклда тушунтирилиб, бу ҳақда баённома тузилади. Бунда адвокат хизматларини рад этганлик тадбиркорлик субъекти томонидан адвокатни текширувнинг кейинги босқичларида жалб этиш учун монелик қилмайди.

Текширувлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда унинг бир нусхаси текширилатган тадбиркорлик фаолияти субъектига топширилади»;

2) **40-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40-модда. Молиявий санкцияларнинг қўлланилмаслиги ва суммалари камайтирилиши

Тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувлар натижалари бўйича кўрсатмаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарнинг ўрнини белгиланган муддатларда ва тўла ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеня тўлаган тақдирда, уларга нисбатан молиявий санкциялар қўлланилмайди. Мазкур норма солиққа оид ҳуқуқбузарликлар сабабли молиявий санкцияларни қўллаш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбга иқдор бўлинганда ва солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда молиявий санкциялар суммаси ихтиёрий равишда тўланганда жарима миқдори белгиланган миқдорга нисбатан икки бараварга камайтирилади»;

3) **41-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби, текширув ўтказиш муддатлари, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимидаги рўйхатга олиш рақаами кўрсатилган буйруғининг кўчирма нусхаси, шунингдек текширувчи мансабдор шахсларнинг текширувлар ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси ҳамда шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади»;

4) **42-модданинг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **50-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан фақат юқори турувчи солиқ органига улар устидан шикоят қилинганидан кейин суд тартибида шикоят қилиш мумкин. Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори устидан шикоят қилишга нисбатан татбиқ этилмайди»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида**»ги 360–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 70-модда; 2009 йил, № 4, 130-модда) **4-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

олтинчи қисм чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи қисмлар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «**Хусусий корхона тўғрисида**»ги 558–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда;

2011 йил, № 9, 248-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда) **25-моддаси** чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–155-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **31-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

олтинчи қисм чиқариб ташлансин;

еттинчи ва **саккизинчи қисмлар** тегишинча **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**»ги ЎРҚ–327-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 4, 111-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 2-модда, № 7, 449-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **17-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошириши мумкин эмас»;

2) **27-модда** чиқариб ташлансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда) **138¹-моддасининг биринчи қисмидаги** «ягона ижтимоий тўловлар» деган сўзлар «ижтимоий солиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида**»ги ЎРҚ–427-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда) **29-моддасига** қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи қисм деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майда қабул қилинган «**Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–539-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 264-модда)

14-моддасига қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар тегишинча **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда) қўйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **344-модданинг иккинчи қисми** «ташкилотларига» деган сўздан кейин «маблағларни депозитга жойлаштиришидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **369-модда:**

биринчи қисмининг 7-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7) давлат пенсиялари, қонун ҳужжатларида белгиланган нафақалар, бундан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси (оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш бўйича нафақа) мустасно»;

иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:

«15) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия, экология жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан ташкил этилган бошқа жамғармалар томонидан кўрсатилган ёрдам:

Уставда назарда тутилган фаолият доирасида бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар;

даволаш ва тиббий хизматлар қиймати, ногиронларни профилактика ва реабилитация қилиш учун техник асбоб-ускуналар олиш;

жисмоний шахснинг манфаатларини кўзлаб, товарлар ва хизматларни етказиб берувчидан олиш;

хайрия мақсадида бошқа шаклларда қўллаб-қувватлаш (бундан пул шаклида қўллаб-қувватлаш мустасно)»;

3) **378-модда** қўйидаги мазмундаги **20-банд** билан тўлдирилсин:

«20) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, хайрия ва экология жамғармалари томонидан солиқ тўловчиларга бериладиган нафақалар, шунингдек пул маблағлари тарзидаги ёрдамнинг

бошқа турлари, бироқ солиқ даври мобайнида ўн беш миллион сўмдан ошмаган ҳолда».

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

15-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Ушбу Қонун 12-моддаси 2 ва 3-бандларининг қоидалари 2020 йил 1 апрелдан эътиборан юзага келган муносабатларга ҳам татбиқ этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 ноябрь,
ЎРҚ-646-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

502 Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Юқори технологияларга асосланган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, минтақавий савдони ривожлантириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, чегараолди ва республиканинг бошқа вилоятларини боғловчи, қулай ҳудудда жойлашган махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш уларнинг ҳудудида янги комплекс ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо инфратузилмасини ривожлантиришни тақозо этмоқда.

Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурига мувофиқ:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Термиз» эркин иқтисодий зонаси негизида ишлаб чиқарувчилар, экспорт қилувчилар ва харидорлар учун сақлаш, транспорт ва бошқа замонавий хизматлар инфратузилмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Термиз» эркин иқтисодий зонаси ҳудудини қисқартириш ҳисобига тегишли инфратузилма объектлари билан таъминланган «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси (кейинги ўринларда — Термиз халқаро савдо маркази) ҳамда «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонаси ташкил этилсин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.А. Боболов) Давлат хавфсизлик хизмати (А.А. Азизов) билан биргаликда «Termez Cargo Centre» МЧЖни Термиз халқаро савдо маркази иштирокчилари реестрига ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

3. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

«Термиз» эркин иктисодий зонаси ҳамда Термиз халқаро савдо маркази таркибига кирувчи ҳудудларнинг чегараларини белгилаш;

Термиз халқаро савдо маркази фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш дастурини тасдиқлаш, шунингдек, товарларни олиб кириш, олиб чиқиш, тегишли божхона режимларини расмийлаштириш, маҳсулотларни реализация қилиш, хорижий фуқаролар ва транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, ушбу ҳудудда бўлиши ҳамда ундан чиқиши билан боғлиқ тартибни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Термиз халқаро савдо маркази ҳудудида:

замонавий технологиялар асосида маҳсулотларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш хизматлари ҳамда электрон савдо порталлари ташкил этилади;

«ягона дарча» ва интерактив механизмлар асосида божхона, солиқ, сертификация, фитосанитария, ветеринария, транспорт, банк ва валюта айирбошлаш, мобиль алоқа ҳамда мижозлар учун тиббиёт ва меҳмонхона, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва бошқа хизматлар йўлга қўйилади;

Афғонистон Ислом Республикаси фуқаролари ва ушбу давлат ҳудудидан кирувчи бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикасига кириш визасини расмийлаштирмасдан, шахсий ва паспорт назоратидан ўтган ҳолда (вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан) ўн кун давомида ҳудудга кириш, ҳудудда бўлиш ва ундан чиқиш тартиби жорий этилади;

фаолият юритаётган тадбиркорлар томонидан чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга реализация қилинадиган ҳамда Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудига олиб чиқиладиган товарлар ва хизматлар экспортга тенглаштирилади;

чет эл товарлари «эркин божхона зонаси» божхона режимига расмийлаштириш орқали жойлаштирилади ҳамда, истисно тариқасида, ушбу товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рухсат этилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳаракатланиш ҳужжатлари асосида алоҳида назорат ўтказиш пункти орқали ўтади ва ортга қайтишга фақат кирган назорат ўтказиш пункти орқали рухсат этилади;

б) Термиз халқаро савдо маркази ҳудудига Афғонистон Ислом Республикаси томонидан кириш ва ундан чиқиш «Термиз-автойўл» ўтказиш пунктидан махсус техник воситалари билан жиҳозланган алоҳида йўлак (коридор) орқали белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Саноат кооперациясини чуқурлаштириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида «Сергели индустриал парки» кичик саноат зонаси (кейинги ўринларда — Сергели индустриал парки) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. «Термиз» эркин иқтисодий зонаси, «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ва «Сергели индустриал парки» кичик саноат зонаси фаолиятини ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) 1-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳининг (А.Н. Арипов) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки ҳудудига салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ва юқори технологик жаҳон бозорида рақобатбардош янги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сифатли хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш;

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки объектларининг қурилиши ва фаолиятини йўлга қўйишга масъул бўлган вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

«Термиз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки ташқи муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмаси қурилиши бўйича лойиҳаларнинг ўз вақтида ишлаб чиқи-лиши, қурилишини молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

7. Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўн кун муддатда устав фондларини шакллантириш учун Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки дирекцияларига 5,0 млрд сўмдан маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра «Термиз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки ҳуду-дида қурилиши тугалланган объектлар ўрнатилган тартибда фойдаланишга қабул қилингандан сўнг Ишчи гуруҳи томонидан белгиланадиган кийматда ва тартибда («Termez Cargo Centre» МЧЖ объектларидан ташқари) «Тер-миз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки дирекциялари (кейинги ўринларда — Дирекциялар) то-монидан ошкора савдолар ўтказиш йўли билан талабгорларга сотилади ёки лизинг асосида берилади.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг Тик-ланиш ва тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ҳисо-бидан ўрнатилган тартибда Сурхондарё вилояти ҳокимлигига Термиз халқ-аро савдо маркази объектлари қурилишига 20 млн АҚШ долларига тенг миқдорда ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигига Сергели индустриал парки объектлари қурилишига 40 млн АҚШ долларига тенг миқдорда кредит ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

10. Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки объект-ларини қуришда:

Жамғарма кредит маблағлари Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳокимликларига 3 йил муддатга, шу жумладан, 1 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, йиллик фоиз ставкаси 6 ойлик LIBOR + 2 фоизда объектлар қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда зарур инфратузилмаларни барпо этишга Маъмурий кенгашлар томонидан тасдиқланадиган манзилли рўйхатларга асосан ажратилади;

кредитларнинг асосий қарз ва фоиз тўловларини ўз вақтида тўлаш Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки объектларини инвесторларга сотиш, лизинг ёки ижара шартномалари асосида тақдим этишдан тушадиган маблағлар ҳамда тегишли ҳокимликларнинг бошқа маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари лойиҳа ташаббускорлари маблағлари, тўғридан-тўғри инвестициялар, халқаро молия институтлари ҳамда тижорат банклари кредитлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Сурхондарё вилояти (Т.А. Боболов) ва Тошкент шаҳар (Ж.А. Артик-ходжаев) ҳокимликлари Жамғармадан Дирекцияларга ажратиладиган кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, кредит маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилиши учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратиладиган кредитларни қайтариш прогноз жадваллари 2-3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Ички ишлар вазирлиги Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Термиз халқаро савдо маркази ҳудудини қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун талаб этиладиган шахсий таркиб штат бирлигини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. «Термиз» эркин иқтисодий зонаси, Термиз халқаро савдо маркази ва Сергели индустриал парки объектларини қуриш ҳамда фаолият кўрсатиши даврида:

а) Дирекцияларга объектларни сотиш, лизинг ва ижарага беришдан тушган тушумнинг Жамғармадан олинган кредитни қайтаришга йўналтирилган қисми бўйича фойда солиғи ставкаси 2023 йилга қадар 50 фоизга камайтирилган ҳолда ҳисобланади;

б) 2023 йил 1 январга қадар:

объектларни қуришга жалб қилинган лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлари ҳамда Дирекциялар қурилиш ишларини амалга оширишда зарур бўлган ва Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкцияларини

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хориждан олиб келишда божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимидан ташқари) озод қилинади;

объектларни қуришга жалб қилинган лойиҳачи ва бош пудрат ташкилотлари ҳамда Дирекцияларга қурилиш ишларини амалга ошириш учун импорт қилинадиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар, махсус техника ва қурилиш техникаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, металл конструкциялари учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғини тўлашни Дирекцияларнинг кафолат хати асосида 120 кунга қадар кечиктириш ҳуқуқи берилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 март ҳамда 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
ПФ-6109-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**503 Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг замонавий тизимини шакллантириш, касалликларни профилактика қилиш ва барвақт аниқлаш, малакали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарувни жорий қилиш борасида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Шу билан бирга, дунёда эпидемиологик хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётгани касалликларга қарши курашиш фаолиятидаги ёндашувларни, ҳозирги мураккаб шароит ва орттирилган тажрибалардан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этмоқда, айниқса, уларнинг профилактикаси, эрта аниқлаш, тўғри ташхислаш ҳамда даволашда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари иш услубларини қайта кўриб чиқиб, соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш зарур.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш мақсадида:

1. Қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини бугунги босқичда ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб ҳисоблансин:

мавжуд куч ва воситаларни жалб қилган ҳолда, энг аввало бирламчи тиббий-санитария ёрдамини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, тиббий профилактика ва патронаж тизимининг мутлақо янги тизимини жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли жамоат саломатлигини таъминлашнинг маҳаллалар ва аҳоли хонадонлари даражасигача қамраб оладиган яхлит тизимини яратиш, бу борада авваламбор соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаолликни оширишни тизимли ташкил этиш ҳамда кенг тартиб қилиш;

соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда рақобат муҳитини яратиш, илғор хорижий тажрибага асосан ходимларни касбий ривожлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт илм-фанини ривожлантириш орқали жойлардаги тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш;

тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш,

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

халқимиз ўртасида уларга нисбатан ҳурматни ошириш, ушбу касб эгалари учун муносиб меҳнат шароитини яратиш ва даромадини кўпайтириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича аниқ амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;

соҳага замонавий менежментни жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча ва бюрократик тартиб-тамойилларни қисқартириш, соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимининг самарадорлигини ошириш ҳамда рақамли тиббиётни такомиллаштириш.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати жорий қилинсин:

аҳоли уларнинг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, тегишли гуруҳларга (таянч, паст хавф гуруҳи, ўрта хавф гуруҳи, юқори хавф гуруҳи ва бошқалар) бўлинади;

аҳоли гуруҳ мансублигига кўра белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтади ва саломатлиги даврий кузатувга олинади;

мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморлар доимий кузатувга олинади ҳамда уйига борган ҳолда уларга тиббий хизмат кўрсатилади ва индивидуал патронаж амалга оширилади;

профилактик кўриклар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳолининг гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича даврий тиббий скрининг текширувлари ўтказилади;

патронаж кўрикларини мақбуллаштириб, янгиланган мақсадли патронаж тизими жорий қилинади;

умумий амалиёт шифокори мутахассислиги оилавий шифокор этиб қайта номланади, шунингдек, тиббиёт олий таълим муассасаларидаги фан дастурлари оилавий шифокор тайёрлашга мослаштирилади;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари ва вилоят шифохоналарига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши учун йўлланма бевосита оилавий шифокор томонидан берилади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида дори воситалари ва тиббий буюмларга имтиёзли рецептлар ёзиб бериш бевосита оилавий шифокор томонидан амалга оширилади;

оилавий шифокорга ёрдам берадиган терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж бўйича ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган «тиббиёт бригадалари» ташкил қилинади;

профилактика инспекторлари маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда оилавий шифокорларга кўмаклашади, фуқароларнинг кечки сайрлари ва спорт ўйинларининг хавфсиз ўтказилишини ташкил қилади. Бунда, профилактика инспекторлари маҳаллалардаги аҳолининг саломатлик кўрсаткичларига қараб ҳар 6 ойда маҳаллий бюджет маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантирилади;

«тиббиёт бригадалари» ўзларига бириктирилган ҳудудларда оилалар ва фуқаролар кесимида «тиббий харита»ни шакллантиради;

жойларда тиббий хизмат кўрсатишни соддалаштириш ва рақамлаштириш ҳамда ортиқча қоғозбозликни камайитириш мақсадида «тиббиёт брига-

далари» махсус компьютер-планшетлари, мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев):

Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, Ж.И. Абдўев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ажратилган маҳаллий бюджет маблағлари доирасида йил якунига қадар такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизматининг 1-иловада* келтирилган 26 та туман (шаҳар)ларда устувор равишда тўлиқ жорий қилинишини таъминласин;

йил якунига қадар аҳолининг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, аҳоли бўлинган гуруҳларнинг аниқ таснифини тасдиқласин;

такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизматини босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида жорий қилсин;

икки ҳафта муддатда «тиббиёт бригадалари»ни мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминлаш мақсадида уларнинг аниқ рўйхатини тасдиқласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда:

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан «тиббиёт бригадалари»ни махсус компьютер-планшетлари ва мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминласин. Бунда, мазкур воситалар хариди Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ягона техник талаблар асосида амалга оширилиши инobatга олинсин;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда аҳолини хатловдан ўтказиб, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бириктирсин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2021 йил 1 январдан бошлаб қишлоқ врачлик пункти оилавий шифокор пункти деб, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника деб қайта номланади. Бунда, ушбу чора-тадбирлар мавжуд штат бирликлари доирасида амалга оширилади;

аҳоли сони ва маҳаллий заруриятдан келиб чиқиб, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рўйхатига мувофиқ оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда туну кун навбатчи тиббиёт ходими хизмат кўрсатади;

маҳаллада аҳолининг саломатлиги, ҳудуддаги касалликларнинг ўсиши, аҳолининг шифохоналарга ётиши, шошилиш тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилиши ва бошқалар оилавий шифокорнинг фаолияти натижадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари этиб белгиланади;

2021 йил 1 январдан бошлаб оилавий шифокор ва бошқа тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлиги бўйича янги рейтинг тизими жорий қилинади ҳамда унинг натижаларига қараб ушбу ходимлар маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари ҳисобидан ҳар чоракда базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи бир вақтнинг ўзида кўп тармоқли марказий поликлиника мудири ҳисобланади;

2021 йил 1 январдан бошлаб туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғига ажратилаётган маблағлар доирасида, заруриятга қараб, тор соҳа шифокорлари штатларини мустақил белгилаш ваколоти берилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси фаолият дислокацияси бўйича кўп тармоқли марказий поликлиника биносида жойлаштирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) билан биргаликда:

уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган баҳолаш кўрсаткичларидан келиб чиқиб, оилавий шифокор ва «тиббиёт бригадалари» фаолиятини рағбатлантиришнинг дифференциал тизимини жорий қилсин;

2021 йил 1 апрелга қадар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг янгиланган штат нормативларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. 2021 — 2023 йилларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этиш жадвали 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин. Бунда қўшимча:

315 та оилавий шифокор пунктлари, шундан 2021 йилда — 100 та, 2022 йилда — 105 та ва 2023 йилда — 110 та;

52 та қишлоқда жойлашган оилавий поликлиникалар, шундан 2021 йилда — 17 та, 2022 йилда — 18 та ва 2023 йилда — 17 та;

33 та шаҳарда жойлашган оилавий поликлиникалар, шундан 2021 йилда — 7 та, 2022 йилда — 13 та ва 2023 йилда — 13 та ташкил этилади.

Қуйидагилар қўшимча оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларни ташкил этишнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриялари;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қўшимча ташкил этилаётган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, уларни малакали ходимлар билан таъминлаш ва мазкур Фармонда кўрсатилган чора-тадбирларни улар фаолиятига жорий қилиш бўйича шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб Қарши давлат университети, Жиззах давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институти ва Гулистон давлат университетидида тиббиёт факультетлари ташкил қилинади, шу жумладан, уларда ва бошқа тиббий олий таълим муассасаларида етакчи хорижий тиббиёт олий таълим ташкилотлари билан қўшма таълим дастурлари асосида ўқитиш тизими жорий қилинади;

* 2-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиббиёт олий таълим ташкилотларининг вилоят тиббиёт муассасалари, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда клиник базалари ташкил қилинади ва уларнинг битирувчи курс талабалари ушбу клиник базаларда ўқув амалиётини ўтайди;

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежларида оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлаш тизими жорий қилинади. Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда техникумлар ва коллежларда оилавий шифокорлар ёрдамчиларини тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини жорий қилади;

Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари ва тиббиёт коллежлари оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга бириктирилади, уларнинг ўқувчилари ихтисослигидан келиб чиқиб ушбу муассасаларда амалиёт ўтайди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. 2021 йилдан бошлаб олис ва чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалари шифокорлари учун «Қишлоқ шифокори» дастури жорий қилинсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида:

тиббиёт олий таълим ташкилотини охириги 3 йил ичида тамомлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи шифокорлар олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларига ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шарти билан 30 миллион сўм миқдорида бир марталик пул маблағлари, уй-жойи бўлмаганларга эса, 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилади ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳар ойлик ижара тўловлари Давлат бюджетидан компенсация қилинади;

олис ва чекка ҳудудлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари томонидан олис ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб бўш шифокор иш ўринлари рўйхати тузилади ва мунтазам янгиланиб турилади;

мазкур бандда кўрсатилган имкониятлардан фойдаланиш учун шифокорлар билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ўртасида шартнома тузиб борилади.

«Қишлоқ шифокори» дастурини молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари:

бир ой муддатда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлини-

калардаги шифокорларга бўлган эҳтиёжларни ва талабгорларни ҳар бир маҳалла кесимида аниқласин, уларга уй-жой ажратиш ва маблағ беришни таъминласин, шунингдек, уларни тиббиёт олий таълим муассасаларида тайёрлаш бўйича қабул параметрларини ошириш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклиф киритсин;

туман ҳокимлари ва тижорат банклари билан бирга ипотека дастурлари асосида қурилаётган уй-жойларнинг аввало, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга ишга қабул қилинаётган шифокорлар учун ажратишни таъминласин.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун келгуси йилда Давлат бюджетидан 20 миллиард сўмгача маблағ ажратсин.

7. Қўйидагилар тақиқлансин:

тиббиёт ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган барча турдаги ишларга жалб қилиш;

тиббиёт ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбуран обуна бўлишини ташкил этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, туман ва шаҳар ҳокимлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талаблар бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортилиши ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан мунтазам равишда назорат тадбирларини ўтказсин ҳамда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилот иш берувчиси ўз ходимларининг тиббий текширувдан ўтадиган куни ушбу тиббий жараёндан ўтишлари учун шахсан масъул ҳисобланадилар;

мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотга ишга қабул қилинаётган ходимлар ўзлари тиббий текширувдан ўтадиган куни тўғрисида иш берувчиларни мажбурий тарзда хабардор қилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Давлат меҳнат инспекцияси томонидан ушбу талабларнинг иш берувчилар томонидан риоя қилиниши устидан тизимли назорат ўрнатилиши, зарур ҳолларда, уларни бузган мансабдор шахсларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда таъсир чоралар кўрилишини таъминласин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тегишли соҳа ва ташкилот касаба уюшмаларини жалб қилган мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни амалга оширишда ходимлар ва ишчиларнинг меҳнатига оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда

ҳимоя қилишда самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш тавсия этилсин.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг ишчи ва хизматчиларга жароҳат етказиш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш ўрнига меҳнат шароитларини махсус баҳолаш тизими жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

махсус баҳолаш жараёнида, биринчи навбатда, иш ўринларидаги хавфли ва зарarli омилларнинг ходим саломатлиги даражасига таъсирини барта- раф этишга қаратилади;

махсус баҳоловчи ходимлар таркибига олий маълумотга эга бўлган меҳнат гигиенаси мутахассиси мажбурий тарзда киритилади;

махсус баҳолаш фақатгина штат бирлигидаги ходимларида махсус ба- ҳолаш бўйича ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган гувоҳномаси мавжуд ташкилот (юридик шахслар) томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси:

махсус баҳолаш тизимининг 2021 — 2023 йиллар мобайнида тўлиқ жорий қилинишини таъминласин;

2021 йил 1 январга қадар меҳнат шароитларини махсус баҳолаш бўйича маълумотларни киритиш ҳамда таҳлил қилиш механизмининг жорий қилиш учун ягона электрон платформа базаси яратилишини ва 2021 йил 1 фев- ралга қадар унинг тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

10. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2014 йилда Пал- лиатив тиббий хизматни ривожлантириш бўйича махсус резолюция қабул қилинганлиги инобатга олинсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов, Э.И. Баситханова) Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг экспертларини жалб қил- ган ҳолда, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа манфаат- дор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда пал- лиатив тиббий хизматни ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсат- кичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалга оширишга доир йиллар бўйича «Йўл харитаси» билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурхонов) Соғлиқ- ни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) билан биргаликда бир ой муддат- да соғлиқни сақлаш тизимида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқсин. Бунда, ҳар бир оилавий шифокор пунк- ти, оилавий поликлиника ва шифохонанинг кириш жойларида коррупция- нинг олдини олишга қаратилган чақириқлар, «ишонч телефонлари» ва бош- қа тарғибот материаллари жойлаштирилсин.

12. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Республика Маънавият ва маъри- фат маркази, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания- си билан биргаликда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг мазмун- моҳиятини жамоатчиликка тўғри етказиш мақсадида тиббиёт ходимлари-

нинг касбини улуғловчи видеороликлар, илмий-оммабоп кўрсатувлар, бадий ва ҳужжатли фильмларни ишлаб чиқсин, телевидение орқали доимий намойиш қилсин ҳамда ижтимоий реклама сифатида уларни телевидение ва радиоканалларда жойлаштирсин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ишларини ташкиллаштирсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли жамоат саломатлигини таъминлаш, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев, соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев ва соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов ҳар чоракда ушбу Фармон ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
ПФ-6110-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги
ПФ–6110-сон Фармонида
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5519-сон Фармонида рус тили матнидаги 1-иловада «Сектор здравоохранения 3» блоки «Сектор здравоохранения и внедрения системы медицинского страхования 5» блоки билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5590-сон Фармонининг 3-бандида:

а) иккинчи хатбошидаги «2019 йил 1 апрелдан» сўзлари «2022 йил 1 январдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «2020 йил 1 апрелдан» сўзлари «2022 йил 1 январдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5863-сон Фармони 2-илоси 11-позицияси «Ижро муддатлари» устунидаги «2020 йил 1 октябрь» сўзлари «2021 йил 1 март» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–5953-сон Фармони иловасида:

а) 129-позициясида:

«Бажариш муддати» устунидаги «2020 йил 1 ноябрь» сўзлари «2021 йил 1 март» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ижро учун масъуллар» устунидаги «Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» сўзлари «Санэпидхизмат» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 267-позицияси «Бажариш муддати» устунидаги «2020 йил 30 апрель» сўзлари «2021 йил 1 апрель» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5995-сон Фармони 2-илоси 2-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2020 йил 1 октябрь» сўзлари «2021 йил 15 февраль» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6035-сон Фармонида:

а) 4-банди иккинчи хатбошидаги «2020 йил 1 декабрга» сўзлари «2021 йил 1 мартга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-бандида:

биринчи хатбошидаги «2020 йил 1 октябрдан» сўзлари «2021 йил 1 апрелдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «2020 йил 15 октябрга» сўзлари «2021 йил 1 февралга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг биринчи хатбошидаги «2020 йил 1 ноябрга» сўзлари «2021 йил 1 мартга» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

18-позицияси «Бажариш муддати» устунидаги «2020 йил 1 октябрь» сўзлари «2021 йил 1 май» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-позицияси «Бажариш муддати» устунидаги «2020 йил 1 октябрь» сўзлари «2021 йил 1 май» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги «Шошилиш тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3494-сон қарори 2-иловаси изоҳининг рус тилидаги матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«*) *Республиканскому научному центру экстренной медицинской помощи (для населения Ташкентской области и города Ташкента) выделяются 10 специализированных автотранспортных средств, а также 1 специализированное автотранспортное средство из расчета 500 000 населения для Республики Каракалпакстан и областей.*

Исходя из географического расположения территорий, Министерству здравоохранения и Министерству финансов предоставляется право вносить изменения и дополнения в настоящий норматив для оказания экстренной медицинской помощи населению в отдаленных регионах республики».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 ноябрдаги «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги ПҚ–4513-сон қарорида:

а) 17-банднинг биринчи хатбошидаги «2020 йил 1 январга қадар» сўзлари «2021 йил 1 апрелга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илова 5-позицияси «Бажариш муддатлари» устунидаги «2020 йил 1 февраль» сўзлари «2021 йил 1 апрель» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**504 Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйи-
ча қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*****[Кўчирма]**

Республикамизда соғлиқни сақлаш ҳамда жисмоний тарбия ва спорт соҳаларини ислоҳ қилиш юзасидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу тизимларни такомиллаштириш баробарида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга мазкур соҳада давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, 2025 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, 2022 йилга қадар юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепциялари ҳамда соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, жисмоний фаоллик ҳамда овқатланиш меъёр ва қоидаларига амал қилмаслик, таркибида туз, қанд, ёғ миқдори кўп бўлган таом ва ширинликларни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, шунингдек, етарли даражада витамин ва минераллар истеъмол қилмаслик оқибатида ёшларда рационал ўсиш ва ақлий ривожланишда ортда қолиш, катталарда эса юрак қон-томир, эндокрин, хавфли ўсма каби инсоннинг эрта ўлимига олиб келувчи қатор касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Шу билан бирга, коронавирус пандемияси оқибатларидан олинган сабоқлар касалликнинг оғирлиги ва ўлим ҳолатларининг катта қисми нотўғри турмуш тарзи туфайли келиб чиқадиган йўлдош касалликлар билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатди.

Аҳолининг соғлом овқатланиши ва жисмоний фаоллигини таъминлашда давлат сиёсатини янада мустаҳкамлаш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳар бир фуқарода соғлом овқатланиш ва жисмоний фаоллик маданиятини шакллантириш мақсадида:

1. Аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

6 — 23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болалар «А» витамини билан;

2 — 10 ёшдаги болалар гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан бепул таъминланади;

б) 2022 йил 1 июлдан бошлаб:

хомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 — 15 ёшдаги болалар йод препарати билан;

35 ёшгача туғиш ёшидаги аёллар темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминланади;

в) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи нав бугдой уни билан бир қаторда олий нав бугдой уни микронутриентлар билан бойитилган тақдирда республика ҳудудида реализация қилишга рухсат этилади.

2. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан аҳолини соғлом турмуш тарзига ундовчи «Соғлом турмуш тарзи» платформаси ишлаб чиқиладиганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мазкур платформани ишлаб чиқишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда унда, жумладан, инсоннинг тана вазни индексини ҳисоблаш, унинг ҳаёт тарзини ҳисобга олган ҳолда кунлик овқатланиш меъёрини тавсия этиш ҳамда истеъмол қилинадиган таом, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликларнинг калориясини ҳисоблаш имконини берувчи тўғри овқатланиш бўлимини яратсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова, Б.Т. Одилова, Ў.Х. Адиллов) «Соғлом турмуш тарзи» платформасининг тўғри овқатланиш бўлимини илмий асосланган маълумотлар билан доимий равишда тўлдириб бориш учун масъул этиб белгилансин.

3. Болаларнинг 5 ёшгача бўлган даврда оптимал ривожланиши ва ўсишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи патронажнинг универсал-прогрессив модели 2022 йил 1 январга қадар босқичма-босқич жорий этилсин:

хомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилалар учун амалдаги штатлар доирасида алоҳида патронаж ҳамширасини бириктириш;

ушбу патронаж ҳамшираси томонидан умумий ҳолати қониқарли ва хавф гуруҳидаги аҳолини аниқлаш ҳамда улар соғлиғининг умумий ҳолатини дифференциаллашган ёндашув асосида кузатиб бориш;

умумий ҳолати қониқарли бўлган барча хомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари мавжуд оилаларни ягона меъёр асосида бевосита кузатиш;

руҳий тушқунлик ҳолати, боланинг тўғри овқатланиши ва ривожланиши учун соғлом муҳитни таъминлашда қийинчиликлари мавжуд хавф гуруҳидаги хомиладор ва туғуруқдан кейинги даврдаги аёллар ҳамда 5 ёшгача болалари бўлган оилаларнинг ҳар бирига индивидуал режа асосида кенгайтирилган ёрдам кўрсатиш.

4. Сирдарё вилоятининг туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поли-

клиникаларида 2021 йил 1 январдан бошлаб эксперимент тариқасида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларидан иборат «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари ташкил этилсин.

Белгилансинки, «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» хоналари: аҳолига тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва жисмоний фаоллик масалаларида яқка тартибда профилактик тадбирларни олиб боради; республика бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан зарур моддий-техник воситалар билан жиҳозланади;

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг (кейинги ўринларда — Марказ) туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қайта кўриб чиқиш ҳисобига шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э.И. Баситханова) Молия вазирлиги (Ж.И. Аброев) билан биргаликда 2022 йил 1 июлга қадар эксперимент натижаларини танқидий таҳлил қилиб, уни республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф қилитсин.

5. Марказ, Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малякасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази ҳамда тиббиёт олий таълим муассасаларига бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббий ходимлари учун диетология бўйича қайта тайёрлаш курсларини, аҳоли учун овқатланиш бўйича маслаҳатчи тайёрлаш курсларини ташкил этиш ваколати берилсин.

6. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институтига қўшимча равишда соғлом ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёсининг асосий турларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотларини микронутриентлар билан бойитиш, аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати, касби ва касалликларидан келиб чиққан ҳолда соғлом ва парҳезли овқатланиш ҳамда профилактик тиббиёт масалалари бўйича санитария қоидалари ва меъёрларини тайёрлаш, ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва илмий тадқиқотлар олиб бориш вазифалари юклатилсин.

Илмий-тадқиқот институти (Ў.Х. Адилов):

2021 йил 1 февралга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида диетолог мутахассислар ва овқатланиш бўйича маслаҳатчиларни тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини тайёрласин;

2021 йил 1 майга қадар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт илмий-тадқиқотлар институти билан биргаликда аҳолининг ёши, жинси, физиологик ҳолати ва касбига кўра гуруҳлари учун тавсия этиладиган ўртача кунлик овқатланиш меъёрлари ҳамда жисмоний машқлар комплексини ишлаб чиқсин.

7. Марказ (Б.Т. Одилова) тарғибот ишларини таниқли маданият вакиллари ва спортчиларни жалб қилган ҳолда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда видеоролик шаклида, аҳоли орасида инфографик тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда олиб бориш амалиётини йўлга

қўйсин. Бунда, айниқса, нотўғри овқатланиш ва кам ҳаракатланишнинг инсон саломатлигига салбий таъсири, хусусан, бунинг оқибатида юзага келадиган касалликлар ва уларнинг асоратлари ҳамда касалликлар профилактикаси ва уни даволашда мева ва сабзавотларнинг хусусиятлари, жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишнинг инсон саломатлигига фойдасини ёритишга алоҳида эътибор қаратсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Д.Х. Набиев), Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни тизимли амалга оширишда Марказга яқиндан қўмаклашсин.

8. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов, Ж.И. Абруев) 2021 йилдан бошлаб тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича кенг қўламли тарғибот ишларини, жумладан, аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун таркатма материалларни тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишларни молиялаштириш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Давлат бюджетидан маблағлар ажратсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю. Абдурахмонов) илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмаси талабларига мувофиқ юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, хусусан, соғлом овқатланиш масалалари бўйича муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий лойиҳаларнинг танловлар асосида шакллантирилишини таъминласин.

9. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

мактабгача таълим ташкилотларида «Шахсий гигиена ва жисмоний тарбия асослари» машғулоти ўтказилади;

республика умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув дарсларини қайта кўриб чиққан ҳолда 1 — 4-синфлар учун «Тарбия» ва «Атрофимиздаги олам» фанлари, юқори синфлар учун «Биология» фани таркибида тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича «Саломатлик сабоқлари» мавзулари киритилади;

академик лицей, профессионал ва олий таълим муассасаларининг «Жисмоний тарбия» фани доирасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича машғулотлар ўтказилади;

тиббиёт техникумларида валеолог, диетолог, нутрициолог мутахассисликларини тайёрлаш, нутрициолог ва диетолог магистратура (интернатура, клиник ординатура) мутахассисликларини 1 йиллик ўқув дастурлари асосида тайёрлаш йўлга қўйилади;

тиббиёт олий таълим муассасаларида бакалаврият, клиник ординатура, магистратура, тиббиёт коллежлари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг барча йўналишларида тўғри овқатланиш мавзулари алоҳида циклда ўқитилади;

барча мутахассисликлар бўйича врач ва ўрта тиббиёт ходимлари маъласини ошириш, қайта тайёрлаш курслари бўйича фан дастурларига «Соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш мезонлари» мавзулари киритилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) манфаатдор вазирлик ва

идоралар билан биргаликда уч ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган ўқув машғулотларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида ишлаб чиқсин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (Р.С. Ирматов):

а) уч ой муддатда малака ошириш ва семинар-машғулотлар ўтказиладиган жой ҳамда уларни молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда қуйидаги дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, жумладан, кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритувчи врач ва ўрта тиббиёт ходимларини диетологияни чуқурлаштириб ўргатган ҳолда валеология бўйича махсус тайёргарликдан ўтказиш;

умумий амалиёт шифокорлари ва ўрта тиббиёт ходимларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига асосан юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси бўйича катта ёшдаги аҳолига маслаҳатлар бериш юзасидан ўқитиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига ходимлари ҳамда декретив гуруҳ вакиллари учун тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзи ва санитар-гигиеник кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-машғулотлар ўтказиш;

«Саломатлик йўлаклари»да давлат органлари ва ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда пиёда ва велосипедда юриш бўйича марафонлар ва спорт мусобақаларини ўтказиш;

б) 2021 йил 1 октябрга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича тавсиялари асосида юқумли бўлмаган касалликларга оид диагностика (даволаш) стандартлари ва клиник протокол (қўлланма)ларни қайта тасдиқласин;

в) 2022 йил 1 январга қадар маҳаллалар кесимида юқумли бўлмаган касалликлар бўйича «аҳолининг саломатлик профили»ни яратсин ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилиб борсин. Бунда, аҳолининг овқатланиш характери, тана вазни индекси, алкоғолли ичимлик ва тамакига қарамликнинг мавжудлиги, артериал босим, қондаги қанд миқдори ва холестерин даражаси каби кўрсаткичларнинг қамраб олинишини назарда тутсин.

11. Белгилансинки, озиқ-овқат маҳсулотларини таркибида туз, қанд ва ёғ миқдори инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан тамғалаш қуйидаги тартибда икки босқичда жорий этилади:

а) 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

озиқ-овқат маҳсулотларини тамғалаш ихтиёрий равишда амалга оширилади;

хавфсизлик белгиси билан тамғаланган озиқ-овқат маҳсулотларининг рекламаси имтиёзли тарифлар асосида тарқатилади (жойлаштирилади);

таълим, спорт ва тиббиёт муассасаларида хавфсизлик белгиси билан тамғаланмаган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишга йўл қўйилмайди ҳамда

бундай маҳсулотларни реализация қилиш савдо қоидаларини бузиш сифатида баҳоланади;

б) 2025 йил 1 январдан бошлаб республика ҳудудида реализация қилиш учун олиб кириладиган ва маҳаллий ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини кўрсатувчи белгилар билан мажбурий тартибда тамғаланади.

Бунда, таркибида туз, қанд ва ёғ миқдорини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон соғлиғи учун хавфсиз ёки зарарли эканлигини белгилаш давлат санитария назорати органлари томонидан амалга оширилади.

12. Қуйидагилар:

2020 — 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

2020 — 2025 йилларда аҳолида соғлом овқатланиш одатини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш самарадорлигини аниқлаш индикаторлари 2-иловага* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда қабул қилинадиган озиқ-овқат саноати соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

2021 — 2023 йилларда қайта кўриб чиқиладиган озиқ-овқат хавфсизлигига оид санитария қоидалари ва меъёрлари рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

мазкур қарорнинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш бўйича ҳаракатлар режаси 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси:

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари миллий стандарт ва меъёрларга мувофиқлигини ҳамда маҳсулот ўрамидаги маълумотларнинг тўғрилигини холис ўрганувчи «Сифат назорати» телевизион кўрсатуви намойиш этиб борилишини таъминласин;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифат ҳафталиги» тадбирини 2021 йилдан бошлаб ҳар йили ноябрь ойида ўтказишни йўлга қўйсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига 1-илованинг рус тилидаги матни қуйидаги мазмундаги «2106 90 980 3» позиция билан тўлдирилсин:

«

2106909803	Микронутриенты для обогащения муки	0
------------	------------------------------------	---

».

* 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, вазир ўринбосари Э.И. Баситханова, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.Қ. Юсупалиев ва Марказ директори Б.Т. Одилова белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 ноябрь,
ПҚ-4887-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

505 Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тошкент шаҳрида барпо этилган янги мавзеларда аҳоли хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш, инвестициявий жозибадорликни ошириш, ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, шаҳар таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 8 сентябрдаги 443-IV-сон ва Сенатининг 2020 йил 11 сентябрдаги СҚ-135-IV-сон «Тошкент вилояти Зангиота, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл ва Ўрта Чирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

2. Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги, давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги бўлинмалари ҳамда уларга қўшимча киритилаётган бошқарув ходимларининг чекланган сони 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани Ободонлаштириш бошқармаси учун харид қилинадиган махсус техника воситалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги бўлинмаларига маъмурий бинолар қуриш ва уларни жиҳозлаш режаси 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги ПФ-5515-сон Фармонида белгиланган тартиб, шу жумладан, туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳамда бошқарув ходимларининг чекланган сони амал қилади;

Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманида жойлашган давлат органлари ва ташкилотларининг бошқарув ходимлари вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирликлари доирасида киритилади.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманини ташкил этиш билан боғлиқ зарур комплекс ташкилий-техник тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) икки ой муддатда:

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Янгиҳаёт туманини 2021 — 2023 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманининг маҳаллий бюджети ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани ҳокимлигини зарур бино ва иншоотлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техника воситалари билан жиҳозлаш чораларини кўрсин;

б) Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги бўлинмаларига ер майдонлари танланиши ва ажратилиши ҳамда маъмурий бинолар қурилишини таъминласин;

* 1 — 3-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманини ташкил этиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек, юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

г) Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманини ташкил этиш ишларини молиялаштириш учун 2020 — 2023 йилларда Тошкент шаҳри маҳаллий бюджети қўшимча даромадларининг 5 фоизи ва Тошкент шаҳри туманлари қўшимча даромадларининг 5 фоизи миқдоридаги ажратмалар ўтказилишини таъминласин.

7. Молия вазирлиги:

мазкур қарорда белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани Ободонлаштириш бошқармасига махсус техника воситаларини харид қилиш учун республика бюджети даромадлари режасининг орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 3 йил муддатга бир йиллик имтиёзли давр билан Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига 35 млрд сўм фоизсиз ссуда ажратсин;

қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ Тошкент шаҳри Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги ҳамда ташкил этилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги бўлинмаларини сақлаш харажатларини молиялаштириш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманининг харажатларини Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

8. Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги икки ой муддатда Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманига ўтказилган маъмурий ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг юридик (почта) манзилини улардан ариза ёки маълумот талаб этмаган ҳолда, тўғридан-тўғри электрон тизим орқали бепул ўзгартирсин.

9. Олий суд, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар икки ой муддатда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманидаги тузилмаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Тошкент шаҳри Янгиҳаёт туманидаги тузилмалари ташкил этилгунга қадар уларнинг функциялари суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Тошкент шаҳри Сергели туманидаги тузилмалари орқали амалга оширилади.

10. Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги икки ой муддатда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий chegarалари ўзгарганлиги муносабати билан ер ҳисоботларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги биносини қуриш учун Тошкент шаҳри, Янгиҳаёт тумани, Спутник-1 даҳаси, Қипчоқ кўчасидаги бўш турган ер майдонини ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 ноябрь,
ПҚ-4888-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

506 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

а) муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида:

141 минг нафардан зиёд аҳолини марказлашган ичимлик суви таъминоти тармоғига улаш ва аҳолининг марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 61,5 фоиздан 70,1 фоизга етказиш;

Нукус шаҳри, Тахиатош ва Хўжайли туманлари марказларида 105 минг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

нафардан зиёд аҳоли хонадонларини оқова сув тармоқларига улаш ва уларнинг оқова сув хизматлари билан таъминлаш даражасини 14,1 фоиздан 20,2 фоизга етказиш;

Нукус шаҳри ва Тахиатош туманида кўп квартирали уй-жойларнинг ички иссиқлик таъминоти тизимларини тўлиқ реконструкция қилиш;

9 та аҳоли пунктида табиий газ тармоқларини мукамал таъмирлаш ва 246 та аҳоли пунктини майший газ баллонлари билан узлуксиз таъминлаш;

442 та трансформатор пунктини ва 1 023,8 км электр узатиш тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ва электр энергияси истеъмоли қувватини 1,5 млрд кВт/соатдан 2,1 млрд кВт/соатга ошириш;

444,7 км халқаро ва республика аҳамиятига молик ҳамда 408,1 км маҳаллий ва ички автомобиль йўлларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш;

290 та аҳоли яшаш пунктига оптик толали тармоқларни тортиш, 150 та янги базавий станция қуриш ва 200 тасини модернизация қилиш, ҳар бир аҳоли пунктини 10 Мб/соатдан кам бўлмаган тезликдаги Интернет тармоғига улаш;

90,9 минг гектар қишлоқ хўжалиги ер майдонларининг сув таъминотини, 208 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва 45 минг гектар экин ерларида сувни тежовчи технологияларни жорий қилиш;

б) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш соҳасида:

21 та давлат мактабгача таълим ташкилоти, 400 та оилавий мактабгача таълим ташкилоти биноларини қуриш, 55 тасини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, 20 та мактабгача таълим ташкилотини давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этиш;

7 та умумий ўрта таълим мактабини қуриш, 101 та мактабни реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, шу асосда умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ўрни коэффициенти 1,1 фоиздан ошиб кетмаслигини таъминлаш;

32 та тиббиёт муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш, шу асосда тиббиёт муассасаларининг қабул қилиш қувватини 20,4 мингга, ўринлар сонини 7,1 мингга етказиш;

21 та маданият объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шу асосда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш ва бўш вақтининг мазмунли ўтишини таъминлаш;

181 та мактабни «Бир миллион дастурчи» лойиҳасига киритиш ва 3 мингдан ортиқ ёшларни компьютер дастурлаш асосларига ўргатиш орқали рақамли технологиялар йўналишида етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга керакли билим ва кўникмаларни бериш;

39 та спорт объектини қуриш, реконструкция қилиш, қўшимча 83 минг нафар аҳоли ва ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шу асосда ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш;

в) 7 004 та хонадонли 235 та замонавий кўп квартирали турар жой мажмуасини барпо этиш, шунингдек, ёш оилалар ва кам таъминланган аҳоли учун 2 084 та хонадонли 36 та арзон уй-жой қурилишини ташкил этиш орқали уларнинг уй-жой шароитини яхшилаш;

г) инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасида:

2020 — 2022 йилларда ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 трлн сўмлик 1 359 та лойиҳани ишга тушириш ва 17,5 мингта янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, 523 млн доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш;

халқаро молия институтларининг 1 млрд доллар миқдоридаги маблағларини муҳим инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга йўналтириш;

йиллик экспорт ҳажмини 347 млн долларга, экспорт қилувчи корхоналар сонини 250 тага, экспорт географиясини 45 та мамлакатга етказиш ҳамда экспортга йўналтириладиган маҳсулотлар турини 30 тадан ошириш;

эркин иқтисодий зоналарда қиймати 21,2 млн долларга тенг бўлган 9 та лойиҳани, кичик саноат зоналарида қиймати 28 млн долларга тенг бўлган 81 та лойиҳани ишга тушириш;

д) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ташкил этиш, жумладан, 9 та янги саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, 27 та саноат кластерини ташкил этиш, саноати паст даражада ривожланган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида камида 50 та янги саноат корхонасини ишга тушириш;

е) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, шу жумладан, чорвачилик, балиқчилик, шолічилик ва кунжут етиштириш ҳамда қайта ишлаш кластерларини ташкил қилиш соҳасида:

12 минг гектар ер майдонида пахта етиштиришни бекор қилиш;

фойдаланишдан чиққан 35 860 гектар ер майдонларини ўзлаштириш;

қишлоқ хўжалиги фойдаланишига қайта киритиладиган 875 гектар ер майдонларида иссиқхоналар ташкил қилиш;

музлаткичли омборхоналар қувватини 40,8 минг тоннага ошириш;

қишлоқ хўжалиги техникалари сонини 1,4 мингтагача ошириш;

насли қорамоллар сонини қўшимча 30 минг бошга ошириш;

30 минг гектар ер майдонларида кунжут етиштириш ва маҳсулотни тўлиқ экспортга йўналтириш;

балиқ етиштириш ҳажмини икки бараварга ошириш ҳисобига балиқ маҳсулотларини 2021 йилда 35 минг тоннага, 2022 йилда 50 минг тоннага етказиш;

ж) ҳар йили камида 900 — 950 та янги хизмат кўрсатиш объектини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали хизмат кўрсатиш ҳажмини камида 2,5 бараварга ошириш;

з) хорижий туристлар сонини 80 минг нафарга, туризм хизматлари экспортини 45 млн долларга етказиш, шунингдек, ички туристлар сонини 800 минг нафаргача ошириш, 210 ўринли янги меҳмонхоналар қуриш ҳамда туроператор ва турагентлар сонини 45 тага етказиш;

и) шароити оғир бўлган 45 та маҳалла ва овулда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳисобига уларни оғир тоифадан чиқариш ҳамда маҳалланинг ўрни ва ролини кучайтириш, жумладан, 12 та туман марказида «Маҳалла марказлари» мажмуаларини қуриш ва реконструкция қилиш, 157 та маҳалла ва овул маъмурий комплексларини қуриш;

к) 19,7 минг нафар фуқароларни иш билан таъминлаш ва 6 минг нафар фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш орқали «Темир дафтар»га киритилган 15,5 мингта оила даромадларини ошириш ҳамда уларнинг ҳудуддаги жами оилалардаги улуши 4 фоиздан ошмаслигини таъминлаш;

л) ёшлар учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан, «Ёшлар дафтари»га киритилган 14 минг нафар ёшларни иш билан таъминлаш, 1,6 минг нафар ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, «Фидойи ёшлар отрядлари»ни ташкил қилиш орқали 8 минг нафар ишсиз ёшларни ҳақ тўланадиган жамоат ва мавсумий ишларга жалб қилиш, 3 та ёш тадбиркорлар коворкинг маркази, 7 та «Ёшлар меҳнат гузари» комплексини барпо этиш;

м) аёлларнинг жамиятдаги ролини кучайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва «Аёллар дафтари»га киритилган 8,4 минг нафар хотин-қизларни иш билан таъминлаш;

н) меҳнат бозорига янги кириб келаётган фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида меҳнат миграциясидан қайтган 9 минг нафар фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда фуқароларни хорижга меҳнат қилиш фаолиятига юбориш учун уларни талаб қилинадиган мутахассисликларга ўқитиш.

Мазкур банд ижросини самарали ташкил этиш мақсадида:

Бош вазир ўринбосарлари (А.Ж. Раматов — «а» ва «в» кичик бандлар, Б.А. Мусаев — «б», «и», «л» ва «м» кичик бандлар, С.У. Умурзаков — «г» кичик банд, Ж.А. Қўчқоров — «д», «ж», «к» ва «н» кичик бандлар, Ш.М. Ғаниев — «е» кичик банд, А.А. Абдуҳакимов — «з» кичик банд бўйича):

мазкур бандда назарда тутилган кўрсаткичларга тўлиқ ва ўз вақтида эришилишини таъминлаш юзасидан масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи навбатдаги вазифаларини белгилаб берсин ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

зарур маблағлар ўз вақтида ажратилиши, манзилли сарфланиши ва тўлиқ ўзлаштирилишини таъминласин;

амалга оширилган ишлар бўйича масъулларнинг ҳар ойлик ҳисоботларини эшитиб борсин;

юклатилган вазифалар тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминламаган мансабдор шахсларга нисбатан лавозимидан озод этишгача бўлган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида таклифлар киритиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.К. Камалов: бир ҳафта муддатда ҳар бир шаҳар ва туманларда белгиланган устувор йўналишлар бўйича ишчи гуруҳларини ташкил этсин;

мазкур бандда назарда тутилган кўрсаткичларга эришиш жараёнида

вужудга келадиган жорий муаммоларни жойида тезкор ҳал этиш чораларини кўриб, республика даражасида ҳал этиладиган масалалар юзасидан аниқ таклифлар киритиб борсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) маъқуллансин:

1-иловага* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг ўсиш нукталари («драйвер» соҳалари);

2-иловага* мувофиқ 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси оғир бўлган шаҳар ва туманларини ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

3-иловага* мувофиқ 2020 — 2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар;

4 ва 4а-иловаларга* мувофиқ 2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини молиялаштириш йиғма кўрсаткичлари;

5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ 2020 — 2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари йиғма жадвали ва манзилли рўйхати;

6 ва 6а-иловаларга* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ҳамда амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатлари;

7 — 7е-иловаларга* мувофиқ 2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар) йиғма кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари;

8 — 8е-иловаларга* мувофиқ 2021 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар (объектлар) йиғма кўрсаткичлари ҳамда манзилли рўйхатлари;

9-9а, 10-10а ва 11-11а-иловаларга* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларини ривожлантиришни молиялаштириш манбалари йиғма кўрсаткичлари ва чора-тадбирлар дастурлари;

12-иловага* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси;

13-иловага* мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида пахта-тўқимачилик, мева-сабзавот ва кунжут кластерларини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар дастури.

* 1 — 13-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Белгилансинки:

а) мазкур қарорнинг 1-иловасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси туманларининг ўзига хос «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича янгидан ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилинади;

б) ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида янгидан ташкил этиладиган саноат йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари 2024 йил 1 январга қадар:

ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилинади;

фойда солиғи ва сув солиғи тўловини амалдаги белгиланган солиқ ставкаларининг 50 фоизи миқдорида амалга оширади;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ва фақат ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар учун божхона божи тўлашдан озод қилинади;

в) Қорақалпоғистон Республикасида шароити оғир 45 та маҳалла ва овулда янгидан ташкил этиладиган хизмат кўрсатиш йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига 2026 йил 1 январга қадар:

фойда солиғи, ер солиғи, мол-мулк солиғи, кичик корхоналар айланмасидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорларнинг қатъий миқдордаги даромад солиғини тўлашдан озод қилиш имтиёзи қўлланилади;

бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида миллий валютада олинadиган банк кредитлари фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун Марказий банк асосий ставкасининг 50 фоизи миқдорида Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

г) Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида бўш турган давлатга тегишли бино-иншоотлар ва йирик бўлмаган давлат активларини тадбиркорлик субъектларига соддалаштирилган тартибда бериш тартиби жорий қилинади. Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Давлат активларини бошқариш агентлигига Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси раиси билан келишган ҳолда уларнинг қарори асосида:

давлат корхоналари ва хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушларини ҳамда давлатга тегишли кўчмас мулк объектларини, шу жумладан, бўш турган ва самарасиз фойдаланилаётган қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланмаган ер майдонларини (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ алоҳида тартиб асосида сотиладиган давлат активлари бундан мустасно) сотиш, унинг шартлари, савдо тури ва нархини белгилаш;

бўш турган бино-иншоотлар ва самарасиз фойдаланилаётган ортиқча ер майдонларини балансда сақловчи вазирлик ва идораларнинг розилиги-

дан қатъи назар захирага қайтариб олиш ва сотиш юзасидан қарор қабул қилиш;

давлат иштирокидаги хўжалик жамиятларини қайта ташкил этиш, тугатиш, устав капиталидаги давлат улушини бошқа хўжалик жамиятлари устав капиталига ўтказиш ваколатлари берилади;

д) Қорақалпоғистон Республикаси бўйича давлат активларини сотишда:

давлат активининг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 минг бараваридан юқори бўлган тақдирда, тузиладиган олди-сотди шартномаларига мувофиқ тўловларни 5 йилгача бўлган муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби жорий этилади;

олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир ой ичида сотиб олиш тўловлари тўлиқ амалга оширилган тақдирда, сотиб олиш тўловлари суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда чегирма берилади;

е) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари асосида сотиладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси тасарруфида қолдириладиган маблағлар бундан мустасно;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига бўш турган ёки самарасиз фойдаланилаётган, умумий эгаллаган майдони 3 минг квадрат метргача бўлган давлатга тегишли бино-иншоотларни оммавий савдолар орқали сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

4. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра, истисно тариқасида, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида бизнес-лойиҳаларни амалга ошириш учун 2022 йил 1 январга қадар олинадиган банк кредитлари бўйича гаров таъминоти сифатида тегишли вилоят ҳокимликлари кафолатлар бериши мумкин. Бунда:

бизнес-лойиҳалар мазкур қарорга мувофиқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиш даражаси паст бўлган Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида, шароити оғир 45 та маҳалла ва овул ҳудудларида, шунингдек, «ўсиш нуқтаси» деб белгиланган иқтисодий фаолият йўналишлари бўйича тегишли туманларда жойлаштирилади;

кафолатлар банк кредити суммасининг 50 фоизигача қисмига, бироқ 5 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда берилади;

кафолатлар солиқлар ҳамда олдинги тузилган кредит шартномалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларига берилиши мумкин эмас.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6108-сон Фармонида мувофиқ:

Финляндиянинг таълим соҳасидаги ижобий тажрибасини, шу жумладан, ўқув дастурлари, дарсликлари ва ўқитиш методикаларини Қорақалпоғистон Республикасидаги умумтаълим муассасаларнинг таълим жараёнига жорий қилиш;

умумий ўрта таълимнинг сифатини ошириш, тизимдаги муассасаларнинг кўрсаткичларини юқори даражага олиб чиқиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида хусусий сектор вакилларини кенг жалб қилиш;

математика, кимё ва биология фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этиш, уларни зарур ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, услубий адабиётлар, инвентарлар ва моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш;

худудий олий таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим ташкилотларини жалб қилган ҳолда халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш, мазкур соҳага замонавий таълим технологияларни жорий қилиш;

мактаб ўқувчилари ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш, ўқувчиларнинг мактаб фанлари бўйича амалий дарсларини салоҳиятли ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида ўтказиш, олий ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга кира олмаган мактаб битирувчиларини иш билан таъминлаш;

туман (шаҳар) кесимида тузилган рейтингда юқори ўринларни эгаллаган умумтаълим муассасалари раҳбар ходимлари ва педагоглари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш чораларини кўрсин.

6. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) билан биргаликда икки ҳафта муддатда Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга Қорақалпоғистон Республикасининг тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар беришни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

аҳолига ўз хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштириш учун зарур бўлган асбоб-ускуна, материал ва товарлар етказиб берувчи балиқчилик кластерлари ва бошқа тадбиркорлик субъектларига;

сув чиқариш учун қудуқ бурғулаш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, улар томонидан олиб кириладиган бурғулаш ускуналари ва махсус транспорт воситаларига;

Қорақалпоғистон Республикасининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, энг долзарб иқтисодий фаолият йўналишларида тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилсин.

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норкулов) Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда мазкур қарорнинг 7-7е ва 8-8е-иловаларида кўрсатилган лойиҳаларни (объектларни) назарда тутсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг Мўйноқ туманида алоҳида мақомга эга туристик-кўнгилочар зона ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси (А.А. Абдухакимов), Бош прокуратура (Н.Т. Йўлдошев) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар ушбу бандда назарда тутилган туристик-кўнгилочар зонани ташкил этиш юзасидан «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиб, амалга оширилишини таъминласин.

9. Қурилиш вазирлиги (Б.И. Закиров) Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Т. Маматов), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) билан биргаликда икки ой муддатда шароити оғир 45 та маҳалла ва овуллар ҳудудларининг бош режа-схемалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

10. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев) 14-иловага* мувофиқ белгиланган ҳудудлар чегаралари доирасида «Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш чораларини кўрсин. Бунда:

икки ой муддатда «Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

«Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини бошқариш вазифаси «Нукус» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» давлат унитар корхонасига юклансин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) 2021 йил I чораги якунига қадар Қорақалпоғистон Республикасида иссиқхоналар ташкил қилиш ҳамда чорвачиликни ривожлантириш учун халқаро молия институтларининг 120 млн доллар миқдоридagi имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков), Давлат активларини бошқариш агентлиги (С.Х. Бекенов) ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг (Қ.Р. Сариев) тугатилаётган «Қорақалпоқпахтасаноат» ХАБнинг Нукус шаҳри, Т. Қаипбергенов кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган биноси 1-қавати, 2-қаватининг 300 кв. м қисми, меҳмонхона, гараж ва омборхона биноларини тегишли ҳудуди билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига оператив бошқарув ҳуқуқи билан бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бунда, объект баҳоланган бозор қийматида «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги корхоналарнинг ўзаро қарздорликларини камайтириш асосида «Ўзпахтасаноат» АЖнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги-

* 14-илова «Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети олдидagi қарздорлигини камайтириш ҳисобига берилади.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Қ.Р. Сариев):

а) Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.И. Курбанов) ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари билан биргаликда:

бир ой муддатда бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги шифокорларга бўлган эҳтиёжларни ва талабгорларни ҳар бир маҳалла кесимида аниқласин;

икки ой муддатда аҳолини хатловдан ўтказиб, уларни бирламчи тиббий-санитария муассасаларига бириктирсин. Бунда, олис ва чекка ҳудудлардаги шифокорларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб бўш шифокор иш ўринлари рўйхатини тузсин ва мунтазам янгилаб борсин;

ташқил қилинаётган «тиббиёт бригадаларини» махсус компьютер-планшетлар ва мобил тиббиёт-диагностика воситалари билан таъминласин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Н.Н. Обломурадов), Қорақалпоғистон тиббиёт институти (О.А. Атаниязова) билан биргаликда уч ой муддатда мазкур институт ҳузурида саломатлик, атроф-муҳит ва экология масалалари бўйича илмий-тадқиқот таълим марказини ташқил қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 15-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 16-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Дастур амалга оширилиши устидан назорат Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (С.У. Умурзаков) юклансин.

Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков):

Дастур доирасида амалга ошириладиган инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини ҳар ойда бир марта Қорақалпоғистон Республикасида, ҳар чоракда бир марта республика даражасида муҳокама қилиб борсин ва муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур ҳамда тезкор чора-тадбирларни амалга оширсин;

Дастурга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини тизимли мониторинг қилиб, уларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган масалаларни ҳал этиш юзасидан тезкор ва амалий чоралар кўрсин.

17. Олий Мажлис Сенатига (Т.К. Нарбаева, Б.Б. Алиханов):

масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан биргаликда Дастур доирасида амалга ошириладиган ишларнинг натижадорлигини таъминлаш, юзага келаётган муаммоларни жойида ҳал этиш ва аҳолининг турмуш ша-

роитларини яхшилаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларига ҳар ойда чиқиш тизимини яратиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси (М.К. Камалов) билан биргаликда Олий Мажлис Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасига ўз фаолиятини бевосита Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этиш ҳамда соҳага оид муаммоларни шаҳар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жойида ҳал этиб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш топширилсин.

18. Қўйидагилар:

Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков — мазкур қарорнинг ижроси ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, белгиланган чоратадбирларни амалга оширишга масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция муҳитини яхшилашга;

Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров — мазкур қарорда назарда тутилган, шу жумладан, «Қорақалпоқ-агро» ва «Нукус» эркин иқтисодий зоналарининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ҳамда бошқа ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг сифатли амалга оширилишини, зарур маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлашга;

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Фаниев — Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш, фойдаланишдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, «Қорақалпоқ-агро» эркин иқтисодий зонасида амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларнинг самарадорлигини таъминлашга;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев — Қорақалпоғистон Республикасига хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш, инвестицияларни самарали ўзлаштириш, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириш, саноат корхоналарининг тўлиқ қувватда ишлашига кўмаклашиш, инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларининг ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш, шунингдек, жойларда тадбиркорлик субъектларининг муаммоли масалаларини тезкор ҳал қилиб боришга;

маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Р.Т. Маматов — шароити оғир бўлган маҳалла ва овулларда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳисобига уларни оғир тоифадан чиқариш, «Маҳалла марказлари» ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари комплексларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали маҳалланинг ўрни ва ролини кучайтиришга;

тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари — Дастур ижросининг самарадорлигини ҳамда мазкур қарорда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларга тўлиқ эришилишини таъминлашга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

19. Мазкур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро

учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 ноябрь,
ПҚ-4889-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги
ПҚ-4889-сон қарориға
15-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулкани сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисидаги низомда:

а) 1-банд «Ўзбекистон Республикаси Президенти» сўзларидан кейин «ва Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат активларини сотишнинг (тендер, танлов, кимошди, биржа) шартлари ва шакллари, шунингдек, зарурат бўлганда Давлат активларини бошқариш агентлигининг таклифига мувофиқ давлат мулкани хусусийлаштиришнинг умумўрнатилган тартибидан бошқа шакл ва усуллари, муддатлари ва шартларини белгилаш»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — йигирманчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 16-банд «в» кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«халқаро амалиётга мувофиқ ва (ёки) жалб қилинган хорижий эксперт компаниялари ва маслаҳатчи-консультантларнинг таклифига асосан давлат мулкани сотишнинг белгиланган тартиби, шакллари, усуллари, муддатлари ва шартларини ўзгартириш бўйича».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 июндаги «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3782-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошисидаги «энг кам ижара тўлови ставкасининг» сўзлари «аукцион савдолари натижалари бўйича белгиланган ижара тўловининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги «Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4861-сон қарорига 10-илованинг 1-позицияси «Биолар» устунидаги «2 ва 3-қаватларини» сўзлари «2-қавати 317,0 кв. м қисми ва 3-қаватини» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги
ПҚ-4889-сон қарорига
16-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сон қарорига 32-илованинг 14-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-3454-сон қарорига 33-илованинг 5-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**507 Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, соҳага босқичма-босқич тиббий суғурта тизимини жорий этиш, тиббий хизматлар бозорида замонавий рақобат муҳитини яратиш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларига асосида Сирдарё вилоятида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида оилавий шифокор, унинг ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган терапия ва педиатрия йўналишлари бўйича ёрдамчилари, патронаж ҳамширалари ва доядан ташкил топган гуруҳлар тузилади;

ҳар бир тиббиёт муассасаси даражасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети (кейинги ўринларда — кафолатланган пакет) ишлаб чиқилади;

кафолатланган пакет бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шифохоналарда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади. Бунда оилавий шифокор ҳар бир муассаса тури бўйича тиббий хизматлар ҳажми ва клиник протоколларга мувофиқ тор соҳа шифокорларига ва зарур ҳолларда туман, вилоят ҳамда республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар беради. Республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан тасдиқланади. Ушбу тартибга риоя этилмаган ҳолларда, шунингдек, кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда кўрсатилади;

аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларини мониторинг қилиш, уларни тиббиёт муассасасига бириктириш, касаллик тарихини юритиш, дори воситалари учун рецепт ёзиш ва кафолатланган пакетга мувофиқ тиббиёт муассасаларига йўналтириш ягона электрон платформа орқали амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилиб, унга эришилганлиги мониторинг қилинади ҳамда натижаларига қараб қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланади;

кафолатланган пакет асосида аҳолининг барча қатламларига сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиришга қаратилган давлат тиббий суғуртаси механизмлари босқичма-босқич жорий этилади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норкулов) билан биргаликда 2021 йил 1 февралга қадар тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

кафолатланган пакетга киритиладиган тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳажмини;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонлари ҳамда рағбатлантириш тартибини тасдиқласин.

4. Тажриба-синов лойиҳаси доирасида қуйидагиларни назарда тутувчи тиббий профилактика ва патронаж тизими йўлга қўйилсин:

аҳолини мавжуд хавф омилларидан келиб чиқиб хавф гуруҳларига бўлиш;

ўрта ва юқори хавф гуруҳларига кирувчи аҳолининг белгиланган муддатларда тиббий кўриклардан ўтишини таъминлаш ва саломатлигини даврий кузатувга олиш;

юқори хавф гуруҳига кирувчи ва мустақил равишда тиббиёт муассасасига кела олмайдиган беморларни доимий кузатувга олиш ҳамда уйига борган ҳолда тиббий хизмат кўрсатиш;

профилактик кўриклар ўрнига ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, муайян касалликлар бўйича мақсадли скрининг текширувларини ўтказиш;

патронаж кўрикларини оптимизация қилиб, янги мақсадли патронаж тизимини жорий қилиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов):

бир ой муддатда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида Сирдарё вилояти бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларига жорий қилинаётган янги тиббий профилактика ва патронаж тизимини ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилсин;

тажриба-синов лойиҳаси якунларига кўра мазкур бандда назарда тутилган тизимни республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

5. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) 2020 йил 1 декабрдан ташкил этилсин ва унинг ижро этувчи аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 46 нафар этиб белгилансин.

Бунда, Жамғарманинг штат бирликларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар келгусида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари штат бирликларини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

аҳолининг барча қатламларини қафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат бюджетидан қафолатланган пакетни молиялаштириш мақсадида ажратиладиган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш;

тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ тажриба-синов лойиҳаси доирасида 2021 йил 1 июлдан бошлаб:

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағлар (капитал қўйилмалар, фан ва илмий изланишлар, эмлаш ва бошқа мақсадли дастурлар учун ажратиладиган маблағлар бундан мустасно) Жамғарманинг алоҳида шахсий ғазна ҳисобварақларига харажатлар таснифининг бир сатрида босқичма-босқич ўтказиб берилади;

Жамғарма тиббиёт ташкилотлари билан шартномалар тузиш орқали улар фаолиятини молиялаштириб боради. Бунда, туман (шаҳар) ва вилоят даражасидаги шифохоналарга ажратиладиган маблағларнинг 10 фоизидан кам бўлмаган қисми ҳар бир даволанган ҳолатлар сони ҳамда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб белгиланади;

қафолатланган пакет асосида тиббий хизматлар кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин;

ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлиги ва натижадорлиги Жамғарма томонидан доимий мониторинг қилиб борилади;

қафолатланган пакетни белгилаш, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини баҳолаш ҳамда унинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини мониторинг ва назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидагилар:

Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепциясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги вақтинчалик низом 3-иловага мувофиқ;

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижро этувчи аппаратининг вақтинчалик тузилмаси 4-иловага* мувофиқ;

* 2, 4-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда — Кузатув кенгаши) таркиби 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Кузатув кенгаши (Л.Н. Туйчиев, А.Ш. Иноятов) қуйидагиларни таъминласин:

а) 2020 йил якунига қадар:

Жамғарма ходимларини тиббиёт, иқтисодиёт, молия, ахборот-коммуникация технологиялари ва Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдириш;

тиббиёт муассасалари ходимлари, улардаги мавжуд тиббий техника ва тиббиёт буюмлари ҳамда ахборот технологиялари жиҳозларини хатловдан ўтказиб, электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жамғарма, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва тиббиёт муассасалари ходимлари учун соғлиқни сақлаш тизимини ташкил қилиш, давлат тиббий суғуртасини жорий этиш ҳамда янги киритилаётган тиббий йўналишларга қайта тайёрлаш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш;

б) 2021 йил 1 майга қадар:

тиббиёт муассасаларига бириктирилган аҳолини хатловдан ўтказиб, уларнинг соғлиғи ва касалланиш кўрсаткичлари бўйича электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

кафолатланган пакет учун тўловларни натижага асосланган молиялаштириш усуллари (жон бошига молиялаштириш, даволанган ҳолат, бажарилган ишлар натижалари ва бошқалар) орқали амалга ошириш механизми ва Жамғармага Давлат бюджетидан маблағларни молиялаштириш тартибини тасдиқлаш;

тиббиёт муассасаларида аҳолига кафолатланган пакет асосида тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур моддий техник базани яратиш;

в) 2021 йил 1 июлга қадар:

«электрон поликлиника» ва давлат тиббий суғуртасининг ахборот тизимлари ҳамда маълумотлар базасини яратиш ва тўлиқ ишга тушириш;

давлат тиббий суғуртаси тизимида фаолият кўрсатадиган тиббиёт ташкилотлари билан тегишли шартномалар тузиш.

Кузатув кенгашига тажриба-синов лойиҳаси доирасида ва ўзига юклатилган вазифаларни амалга оширишда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур молиявий, статистик ва бошқа маълумотларни давлат органлари ва ташкилотларидан тўғридан-тўғри олиш;

манфаатдор вазирлик ва идоралардан зарур мутахассисларни жалб қилиш;

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, давлат тиббиёт муассасалари ва уларнинг ходимлари учун белгиланган норматив ва талабларга ўзгартириш киритиш, шу жумладан, янги мутахассисликлар киритиш, тиббиёт муассасалари профилини ўзгартириш;

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган халқаро клиник протоколлар, касалликлар ва ҳолатларга ташхис қўйиш ҳамда уларни даволашнинг тиббий услубларини белгилаш.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Ш. Иноятов) ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги (Ғ.Ғ. Мирзаев) икки ой муддатда вилоят даражасидаги тиббиёт муассасалари фаолиятини ўрганиб, улар негизида «тиббиёт кластери»ни ташкил қилиш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

самарасиз фаолият юритаётган бўғинларни қисқартириш, қайта мослаштириш ва бошқарув харажатларини мақбуллаштириш;

Гулистон тиббиёт коллежи негизида тиббиёт олий таълим муассасасини ташкил этиш учун хусусий секторни жалб қилиш.

10. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов):

Сирдарё вилоятида тиббиёт муассасаларининг тиббий хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, аҳоли соғлиғини мониторинг қилиб бориш имконини берувчи ягона электрон платформани яратиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳисоб-китобларига мувофиқ зарур маблағларни ажратсин;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларининг 100 фоизи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолаш мезонларидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантиришга йўналтирилсин;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида оилавий шифокорларни зарур тиббий буюмлар ва амбулатор шароитда даволаш учун дори воситалари билан таъминлаш мақсадида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағларнинг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча маблағ ажратсин. Бунда ушбу маблағлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлашган тадбирлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилсин;

Жамғарма фаолиятини ташкил этиш учун зарур маблағларни асослан-тирилган ҳисоб-китоблар бўйича 2020 йилда Давлат бюджети параметрларида соғлиқни сақлаш соҳаси учун назарда тутилган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида ажратсин ва 2021 йилдан бошлаб ҳар йили тегишли йил учун бюджет параметрларида назарда тутсин;

Жамғармага 3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, 2 та шахсан бириктирилган енгил автомобиль ва 1 та навбатчи микроавтобус сотиб олиш ва сақлашга лимит ажратсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Жамғармага тегишинча Тошкент ва Гулистон шаҳарларида бино ажратилишини таъминласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садилов):

Сирдарё вилояти тиббиёт муассасаларининг ўтказувчанлиги юқори бўлган оптик толали алоқа линиялари орқали Интернет тармоғига уланишини;

Жамғармани белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М. Хаджибаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг алоҳида бандлари ижросини самарали ташкил этиш юзасидан ҳаракатлар режаси 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов ва Сирдарё вилояти ҳокими Ғ.Ғ. Мирзаев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
ПҚ-4890-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги
ПҚ-4890-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини
тажриба-синов тариқасида жорий этиш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1. Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида ишлаб чиқилган.

2. Концепция давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни кўрсатиш ва уни молиялаштиришда давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида жорий этиш ва апробациядан ўтказишнинг асосий йўналишларини белгилаб беради.

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, давлат тиббий суғуртаси тизимини 2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунигача бўлган муддатда Сирдарё вилоятида апробациядан ўтказиш ва унинг ижобий натижаларини 2023 йилдан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилади.

**1-боб. Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимининг
жорий ҳолати**

3. Сирдарё вилояти аҳолиси сони 846,3 минг нафарга етиб, уларнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 71,9 йилни ташкил этмоқда (республика бўйича ўртача кўрсаткич — 75,1 йил).

Ўтган ўн йил давомида вилоятда туғилиш даражаси ҳар 1 000 нафар аҳолига нисбатан ўртача 24,8 промиллега, ўлим даражаси эса 4,6 промиллега тўғри келган.

Худудда умумий касалланиш даражаси кўрсаткичи касалликлар туридан келиб чиқиб ҳар 100 000 нафар аҳолига нисбатан 3,1 минггача қайд этилган.

Бугунги кунда вилоятда 137 та соғлиқни сақлаш муассасаси, шу жумладан, 99 та амбулатор-поликлиника муассасаси, 26 та стационар даволаш-профилактика муассасаси ва 12 та маъмурий муассаса мавжуд.

Ушбу муассасаларда 1,4 минг нафар шифокор ва 12,5 минг нафар ўрта тиббиёт ходими фаолият кўрсатмоқда. Бунда, шифокорлар сони ҳар 10 000 нафар аҳолига нисбатан 17,6 нафарни (республика бўйича ўртача кўрсаткич — 23,0 нафар), ўрта тиббиёт ходимлари эса — 150,6 нафарни (республика бўйича ўртача кўрсаткич — 103,6 нафар) ташкил этмоқда.

2019 йилда вилоят соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш учун давлат бюджетидан 358,9 млрд сўм ажратилган. Ушбу маблағлар доирасида тиббиёт муассасаларида 7589,1 минг кўрик амбулатор шароитда амалга оширилган ва 162,4 минг нафар беморга стационар тарзда тиббий ёрдам кўрсатилган.

4. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг амалдаги тизими соҳага ажратилаётган маблағларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда, жумладан:

соғлиқни сақлаш тизимидаги самарасиз харажатлар улуши 40 фоизгача етмоқда;

аҳолининг тиббий хизматлар учун тўғридан-тўғри тўловлари даражаси 40 — 45 фоиз атрофида сақланиб қолмоқда;

соғлиқни сақлаш соҳасига давлат бюджетидан ажратилаётган жами маблағларнинг 60 фоизидан кўпини стационар даволаш-профилактика ёрдами харажатлари ташкил этмоқда;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига ажратилаётган маблағларнинг асосий қисми иш ҳақига сарфланиб, атиги 10 фоизи тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилмоқда;

аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун тенг шароитлар ва рақобат муҳити яратилмагани тиббий хизматлар сифатини оширишга тўсиқ бўлмоқда;

тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллиги тўлиқ таъминланмаяпти, натижада ушбу муассасаларда бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш ҳамда ходимларга муносиб ойлик иш ҳақи тўлаш имкониятлари чекланмоқда;

тиббиёт муассасаларидаги мавжуд шифокорларнинг ўртача ўриндошлик коэффициенти 2,0 дан ошмоқда (республика бўйича ўртача кўрсаткич — 1,4), шунингдек, 700 дан зиёд шифокор штат бирлиги вакантлигича қолмоқда.

2-боб. Концепциянинг асосий мақсади ва вазифалари

5. Концепциянинг асосий мақсади 2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунигача бўлган муддатда Сирдарё вилоятида давлат тиббий суғуртаси тизими тажриба-синов тариқасида жорий этиш (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) орқали ушбу ҳудудда тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг янги моделларини апробациядан ўтказишдан иборат.

6. Концепцияни амалга ошириш доирасида қуйидаги асосий вазифалар бажарилиши зарур:

соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг самарали механизмларини ҳамда тиббий хизматлар кўрсатишнинг янги моделларини амалиётга татбиқ этиш;

тиббий хизматлар учун тўловларни натижага асосланган молиялаштириш усуллари (жон бошига молиялаштириш, «даволанган ҳолат» ва бажарилган ишлар натижалари) орқали амалга ошириш механизмини жорий қилиш;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматлар стратегик харидини амалга ошириш методологиясини ишлаб чиқиш;

барча даражадаги амбулатор-поликлиника ҳамда стационар даволаш-профилактика муассасаларида замонавий клиник ва иқтисодий бошқарув механизмларини яратиш;

мутахассисларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш орқали соғлиқни сақлашни бошқариш, молиялаштириш ҳамда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳаларида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида интеграциялашган ахборот тизими ва ресурсларини яратиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

3-боб. Тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишнинг асосий йўналишлари

7. Тиббий хизматлар кўрсатиш моделини бирламчи тиббий-санитария ёрдами ролини кучайтиришни инobatга олган ҳолда такомиллаштириш:

касалликлар турлари ва касалланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда,

юқумли бўлмаган касалликларни даволаш соҳасидаги клиник амалиётни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш;

соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасаларида ҳамда стационар тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажмини далилли тиббиёт ва халқаро стандартларга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

касалликларни эрта аниқлаш ва беморларни кузатишда ҳамширалар ҳамда умумий амалиёт шифокорларининг ролини ошириш ва вазифаларини кенгайтириш;

тиббий-профилактика хизматларини кўрсатишда барча даражадаги тиббиёт ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва бирин-кетинликни таъминлаш механизмларини кучайтириш.

8. Соғлиқни сақлашни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий қилиш:

барча даволаш-профилактика муассасаларининг ўзаро узвий ҳамкорлигини таъминлаш ва уни мувофиқлаштириш самарадорлигини ошириш;

беморнинг йўналишини белгилаш, унга йўлланмалар бериш, беморларни кузатиб бориш, тиббий-профилактика ёрдами-сифатини назорат қилиш ва тиббий ёрдамни аҳолига яқинлаштиришда бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг ролини кучайтириш;

туман тиббиёт бирлашмаларида унинг таркибидаги тиббиёт муассасалари иштирокидаги ички тармоқларни, шунингдек, вилоят стационар тиббиёт муассасалари бирлашмаларини тиббий хизматлар кўрсатиш ҳамда уларни тақдим этиш тўғрисида шартномалар тузиш бўйича асосий тузилмалар сифатида ташкил этиш.

9. Соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий қилиш:

тиббий хизматлар харидини ташкил этишда тиббий хизмат кўрсатувчилар тармоқлари ва бирлашмаларига нисбатан қўлланиладиган аралаш молиялаштириш механизмларини жорий қилиш;

самарали тиббий профилактикани ва беморларни кузатиш амалиётини рағбатлантириш, шу асосда стационар тиббий хизматлардан фойдаланишни қисқартириш нуктаи назаридан тиббиёт бирлашмалари, тиббиёт муассасалари ва тиббиёт ходимлари фаолиятини баҳолашнинг молиявий ва но-молиявий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш бюджети таркибини умумий бюджет маблағларига асосланган ҳолда қайта кўриб чиқиш;

соғлиқни сақлаш ресурсларини аҳолининг таркиби ва касалланиш кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда ҳудудий жиҳатдан адолатли тақсимлаш;

аҳоли учун аниқ имтиёзларни белгилаган ҳолда давлат томонидан ка-фолатланган тиббий хизматларнинг универсал тўпламини ишлаб чиқиш.

10. Соғлиқни сақлашни молиялаштириш ва тиббий хизматлар кўрса-тиш соҳасидаги ислохотлар доирасида соғлиқни сақлашнинг интеграциялаш-ган ахборот тизимини яратиш:

зарур ахборотни йиғиш ва таҳлил қилиш, тажриба-синов лойиҳасини мониторинг қилиш, тиббий хизматлар кўрсатиш ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш ҳолатини баҳолаш имконини берувчи ахборот тизимини яратиш, шунингдек, бу соҳада узоқ муддатли истиқбол учун ривожлантириш асосларини белгилаш;

тиббий хизматлар кўрсатиш даражалари ва тизим иштирокчилари ўрта-сида самарали ва шаффоф ахборот алмашинувини таъминлаш, чекка қишлоқ ҳудудларида тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

жойлардаги барча аҳолини соғлиқни сақлаш миллий интеграциялашган ахборот тизими (ССМИАТ)да жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ЖШШИР) орқали рўйхатга олиш;

тиббий хизматларнинг миллий таснифини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тиббий хизматлар стратегик хариди механизмларини самарали жорий этиш учун зарур бўлган, тиббий ахборот ва фаолият стандартлаштирилишини таъминлайдиган кодлаш ва таснифлаш бўйича янги тизимларни йўлга қўйиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва уларни кенг жорий қилиш;

тажриба-синов лойиҳасининг тегишли ахборот тизимини ривожлантириш учун зарур ахборот-коммуникация инфратузилмасини яратиш ва ушбу тизим иштирокчиларини зарур компьютер асбоб-ускуналар билан таъминлаш.

4-боб. Кутилаётган натижалар

11. Концепцияни амалга ошириш натижасида ва тажриба-синов лойиҳаси доирасида:

соғлиқни сақлаш тизимидаги самарасиз харажатлар улушини босқичма-босқич қисқартириш;

тиббий хизматлар бозорида очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда аҳолининг тиббий ёрдам учун тўғридан-тўғри тўловлари даражасини камайтириш;

соғлиқни сақлаш тизимида ажратилаётган маблағлар доирасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами улушини ошириш;

тиббиёт муассасаларининг молиявий мустақиллигини ошириш ва тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш;

аҳолининг ижтимоий заиф тоифалари вакилларини сифатли тиббий хизмат билан таъминланганлик даражасини ошириш;

аҳолига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишга хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилган ҳолда тиббий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги
ПҚ-4890-сон қарорига
3-ИЛОВА

Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси тўғрисидаги ВАҚТИНЧАЛИК НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Жамғарма Кузатув кенгашининг қарорларига, шунингдек, ушбу Низомга амал қилади.

3. Жамғарма ўз фаолияти тўғрисида Жамғарма Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

4. Жамғарма ўз фаолиятини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Жамғарма давлат муассасаси ҳисобланади, мустақил балансга, шахсий қазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва бланкаларга эга бўлади.

6. Жамғарманинг ижро этувчи аппаратини сақлаш Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

2-боб. Жамғарманинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари

7. Жамғарманинг асосий мақсади аҳолини давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда тиббий хизматлар бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантириш мақсадида давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш ва бошқаришдан иборат.

8. Қуйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунигача бўлган муддатда Сирдарё вилоя-

тида давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш тажриба-синов лойиҳасини (кейинги ўринларда — тажриба-синов лойиҳаси) амалга ошириш;

аҳолининг барча қатламларини сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар стратегик хариди тизимини жорий этиш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида аҳолининг барча қатламларига давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда сифатли ва тўлиқ тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштириш;

тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат бюджетидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини қоплаш мақсадида ажратиладиган маблағларни жамлаш, бошқариш, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини ташкил этиш;

давлат тиббий суғуртасининг ягона ахборот тизими, маълумотлар базаси ва бошқа ахборот ресурсларини яратиш, уларнинг лозим даражада ишлашини таъминлаш;

тажриба-синов лойиҳасининг натижаларига кўра, давлат тиббий суғуртаси тизимини республиканинг бошқа ҳудудларида босқичма-босқич жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш.

9. Жамғарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этади ва бошқаради;

аҳолининг барча қатламларига давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатилишини молиялаштиради;

Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини ишлаб чиқади, шунингдек, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили Жамғарма бюджетини шакллантиради;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдамни молиялаштириш мақсадида Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни ва конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумларни жамлайди ва бошқаради;

давлат тиббий суғуртаси дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этади ва уларни амалга ошириш тадбирларини белгиланган тартибда молиялаштиради;

тиббий хизматлар стратегик харидлари механизмларини ишлаб чиқади ва давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар учун тўловларни амалга оширади;

давлат тиббий суғуртаси тизими иштирокчилари томонидан Жамғарма маблағларидан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини ташкил этади, давлат тиббий суғуртаси дастури доирасида тиббий хизматлар кўрсатиш шартномаси шартлари бажарилишини мониторинг қилади;

давлат тиббий суғуртасининг ягона электрон ахборот тизими ва ресурсларини бошқаради ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлайди, шунингдек, ушбу ахборот тизими ва ресурсларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

тиббий кадрлар салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда, шу жумладан, тиббиёт муассасалари учун молия менежери ва

клиник менежери мутахассисларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилишда иштирок этади;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар пакетини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади;

давлат тиббий суғуртаси тизимини такомиллаштириш ҳамда кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни амалга ошириш чораларини кўради;

аҳолининг давлат тиббий суғуртаси тизими ва унинг ишлаш тартиби тўғрисидаги хабардорлик даражасини ошириш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг давлат тиббий суғуртаси соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

давлат тиббий суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга оширади, хорижий тажрибани ўрганади ва энг яхши амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади.

Жамғарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

10. Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат тиббий суғуртаси тизимида оид ахборотни ушбу тизим иштирокчиларидан белгиланган тартибда олиш;

бюджет буюртмаларини тайёрлаш ва Давлат бюджетидан маблағ олиш учун бюджет сўровларини тузиш;

Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда жойлаштириш;

агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, давлат тиббий суғуртаси соҳасида услубий ҳужжатлар, ҳисоботлар ва аризалар шакллари, ҳисоб реестрлари, далолатномалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ консалтинг, ноширлик ва ўқитиш фаолиятини ташкил этиш;

белгиланган тартибда асбоб-ускуна, инвентарь, товар ва хизматларни харид қилиш;

давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва муассасалардан ўз ваколатлари доирасида зарур бўлган маълумотларни олиш;

давлат тиббий суғуртаси соҳасида хорижий ва маҳаллий экспертлар ҳамда маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Жамғарма қуйидагиларга мажбур:

Жамғарманинг маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш;

тиббий хизматлар харидини тегишли молия йили учун режалаштирилган маблағлар ҳажми доирасида амалга ошириш;

давлат тиббий суғуртаси тизими иштирокчиларига нисбатан ўрнатилган талабларга жавоб берувчи тиббиёт ташкилотлари ва бошқа иштирокчилар билан давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар хариди бўйича шартномалар тузиш;

беморлар ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида олинган бошқа маълумотларни қонун талабларига мувофиқ сир сақлаш;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлардан аҳолининг қониқиш даражасини таҳлил қилиш;

фуқаролар мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган шакл бўйича ва муддатларда молиявий ҳисобот ва бошқа ҳисоботларни шакллантириш ҳамда уларни тегишли давлат органларига тақдим этиш;

давлат тиббий суғуртаси соҳасида ходимлар салоҳиятини мунтазам равишда ошириб бориш.

Жамғарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш доирасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби

12. Жамғарма бюджетини шакллантириш ва ижро этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан олинган маблағлар;

вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Жамғарма маблағлари Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган харажатлар сметасига мувофиқ қуйидаги мақсадлар учун йўналтирилади:

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш;

давлат тиббий суғуртаси дастурини ҳамда имтиёзли дори воситалари таъминотини молиялаштириш;

Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида мақсадли дастурлар ва бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарма ижро этувчи аппарати фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

ахборот ва алоқа хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

банк хизматлари учун тўловларни амалга ошириш;

тиббий суғурта соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

15. Жамғарма ҳар йили келгуси молия йиллари учун давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажми прогнозлари асосида уни амалга ошириш учун зарур маблағлар ҳисоб-китобини ишлаб чиқади.

16. Бюджет сўрови Жамғарма томонидан тайёрланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Молия вазирлигига тақдим этилади.

17. Жамғарма фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили ташқи аудитдан ўтказилади.

5-боб. Жамғармани бошқариш

18. Жамғарма Кузатув кенгаши ва Жамғарма ижро этувчи аппарати Жамғарманинг бошқарув органлари ҳисобланади.

19. Жамғарма Кузатув кенгаши Жамғарманинг юқори бошқарув органидир, унинг таркиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Жамғарма Кузатув кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

20. Жамғарма Кузатув кенгашининг мажлислари ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади, уларга Жамғарма Кузатув кенгашининг раиси, Жамғарма Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг ўринбосари раислик қилади.

21. Жамғарма Кузатув кенгашининг мажлиси, агар аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса, ҳуқуқий ваколатли бўлади (кворумга эга бўлади).

Жамғарма Кузатув кенгашининг қарори унинг мажлисда қатнашган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Жамғарма Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

22. Жамғарманинг Кузатув кенгаши:

Жамғарма даромад ва харажатларининг прогноз параметрларини ҳамда йиллик харажатлар сметасини тасдиқлайди;

давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмига киритилган тиббий хизматлар тарифлари юзасидан ишлаб чиқилган таклифларни келишади;

Жамғарма ижро этувчи аппарати томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботларни эшитади ва тасдиқлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларнинг давлат тиббий суғуртаси соҳасига оид масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади;

Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳамда унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни кўриб чиқади ва улар бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақдимнома киритади;

Жамғарма фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамғарманинг бўш турган маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилайди;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига уларнинг эгаллаб турган асосий лавозимлари бўйича лавозим маошларига устама ва бошқа рағбатлантириш тўловларини белгилаш тартибини тасдиқлайди;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати фаолиятини, шу жумладан, унинг даромад ва харажатлар прогноз параметрлари ижросини, маблағларнинг мақсадли ишлатилишини назорат қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

6-боб. Жамғарма фаолиятини ташкил этиш

23. Жамғарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этади ва амалга оширади.

24. Жамғармага унинг Кузатув кенгаши тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган ижро этувчи директор раҳбарлик қилади. Ижро этувчи директор Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради.

25. Жамғарма ижро этувчи директорининг ўринбосарлари Жамғарма Кузатув кенгашининг тақдимномаси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланади.

26. Жамғарманинг ижро этувчи директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

27. Жамғарма ижро этувчи директори:

Жамғарма фаолиятига раҳбарлик қилади;

ўз ваколатлари доирасида Жамғарманинг ижро этувчи директори ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўртасида лавозим вазифаларини тақсимлайди;

ўз ваколатлари доирасида Жамғарма фаолиятига оид буйруқлар ва йўриқномалар чиқаради ҳамда Жамғарманинг таркибий бўлинмаларига кўрсатмалар беради;

Жамғарманинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, шунингдек, зарур ҳолларда, Жамғарма ижро этувчи аппаратининг тузилмасига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида ўзгартиришлар киритади;

Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

пул маблағлари ва моддий бойликларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилишини, статистика ва бухгалтерия ҳисоботлари тузилишини ҳамда улар тегишли давлат органларига белгиланган тартибда тақдим этилишини ташкил қилади;

Жамғарманинг Кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

28. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги миқдорда қўп йиллик ишлаганлик учун ҳар ойлик устама тўланади (рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача — 0,1, 5 йилдан 10 йилгача — 0,2, 10 йилдан 15 йилгача — 0,3, 15 йилдан 20 йилгача — 0,4, 20 йилдан 25 йилгача — 0,5, 25 йилдан юқори — 0,6. Бунда, қўп йиллик устама олиш ҳуқуқини берувчи иш стажи Жамғарма Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган тартиб асосида амалга оширилади.

29. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади ҳамда уларнинг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 2,0 бараварга оширилган ҳолда қўлланилади.

30. Жамғарма иш ҳақи фонди доирасида тиббиёт, иқтисодиёт, молия, ахборот-коммуникация технологиялари ва Жамғарма зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассисларни Кузатув кенгаши билан келишган ҳолда фуқаролик ҳуқуқий шартнома асосида ишга жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7-боб. Ҳисобга олиш, ҳисобот ва назорат

31. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати давлат тиббий суғуртаси тизимида кўрсатиладиган тиббий хизматлар учун ҳақ тўлаш ва бошқа тўловларни молиялаштиришни Жамғарманинг тасдиқланган бюджети доирасида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланиш учун жавобгардир.

32. Жамғарманинг ижро этувчи аппарати Молия вазирлигига белгиланган муддатларда даврий ҳисоботларни тақдим этади.

33. Жамғарма маблағларидан белгиланган тартибда фойдаланилиши ус-тидан назорат Жамғарманинг ижро этувчи аппарати томонидан амалга оширилади.

34. Жамғарма маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши-ни назорат қилиш Жамғарманинг ички аудит хизмати, шунингдек, Молия вазирлиги ҳамда Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилади.

8-боб. Якунловчи қоидалар

35. Жамғармани қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

36. Жамғарманинг доимий сақланадиган ҳужжатлари, Жамғарма тугатилган тақдирда, белгиланган тартибда Давлат архивига топширилади.

37. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**508 Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашнинг илғор тажрибасини жорий этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сон Фармониға мувофиқ:

1. Қуйидагилар тиббий профилактиканинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

дастлабки профилактика — қулай атроф-муҳитни яратиш (экологик аҳвол, инсонларнинг меҳнат, яшаш ва дам олиш шароитларини яхшилаш), аҳоли саломатлигига салбий таъсир этувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишининг олдини олиш, озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан, унни фортфикациялаш, тузни йодлаштириш;

бирламчи профилактика — эмлаш, мақсадли скрининг ва тиббий кўрикларни амалга ошириш, оқилона иш ва дам олиш, спорт билан мунтазам шуғулланиш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларга қарши курашиш, инсон саломатлиги, таълим-тарбияни яхшилаш бўйича чоралар кўриш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш;

иккиламчи профилактика — маълум шароитларда иммун ҳолатининг камайиши, ўта зўриқиш, адаптив етишмовчиликлар сабаб юзага келадиган касалликларнинг келиб чиқиши, авж олиши ёки қайталанишига олиб келиши мумкин бўлган аниқ хавф омилларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш, шунингдек, тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2021 йил 1 январдан бошлаб 40 ва ундан юқори ёшдаги фуқароларда юрак қон-томир хавфини (гипертония, инфаркт, инсульт, қандли диабет ва бошқа хавф омилларини) аниқлаш бўйича тизимли равишда скрининг текширувлари ўтказилади;

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ)нинг туман (шаҳар) бўлимлари кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 30 июнда эълон қилинган.

жойлашади ҳамда уларнинг ходимлари (кейинги ўринларда — жамоат саломатлиги тизими мутахассислари) томонидан амалга оширилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари билан бир қаторда фуқароларга тиббий-профилактик хизматлар (маслаҳатлар, кўриклар ва бошқалар) кўрсатиб борилади;

маҳаллаларда, мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари ва олий ҳамда ўрта махсус таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашувчи волонтерлар (шу жумладан, нафақадаги шифокорлар, ўқитувчилар, зиёлилар ва бошқалар) жамиятлари ташкил қилинади.

3. Қўйидагилар жамоат саломатлиги тизими мутахассисларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳоли ўртасида шахсий ва жамоат гигиенаси, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда иштирок этиш, аҳолини савол-жавоб ва кўриклардан ўтказиш орқали уларда юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларини аниқлаш ва индивидуал маслаҳат бериш;

соғлом овқатланиш тамойиллари, жисмоний фаоллик асослари, шахсий гигиенанинг аҳамияти, зарарли одатларга берилмаслик бўйича тарғибот тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш борасида профилактик тадбирларни ташкил этиш учун ҳудудда фаолият кўрсатаётган корхона, муассаса ва ташкилотлар рўйхатини шакллантириш ва амалга ошириш;

юқумли касалликлар рўйхатга олинган ҳудудларда улар бўйича соғломлаштириш тадбирини ишлаб чиқиш, ҳудудий тиббиёт ходимлари билан тадбирларни ташкил этиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиб боришда иштирок этиш.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказни жалб қилган ҳолда маҳаллалар ва аҳоли хонадонларида, шу жумладан узоқ ва олис ҳудудларда аҳоли орасида соғлом турмушни шакллантириш, бадантарбия машғулотларини кундалик турмуш тарзига айлантириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, соғлом ва тўғри овқатланиш, ортиқча вазн ва семизликни бартараф этиш, зарарли одатларга қарши курашиш, фуқароларнинг ўз соғлиғига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш бўйича тизимли равишда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бурсин.

Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни сифатли ва тўлиқ амалга ошириш учун:

республика бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан Марказга 2021 йилда 2 миллиард сўм ажратсин;

2022 йил ва келгуси йилларда республика бюджети ва маҳаллий бюджет параметрларида 2021 йилда ажратиляётган маблағлардан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

Марказ (Б.Т. Одилова) бир ой муддатда мазкур бандга асосан ажратиляётган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирлар Маҳкамаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Миллий телерадиокомпания, нодавлат телерадиоканаллар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда уч ҳафта муддатда соғлом турмуш тарзини олиб бориш масалаларига бағишланган марказий, ҳудудий ва нодавлат телеканалларда «Саломатлик соати» ва бошқа махсус телекўрсатувлар ташкил қилинишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлиги масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи комиссия (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи комиссия) ташкил қилинсин ва унинг таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва касалликлар профилактикаси соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини уларнинг яқиндан ҳамкорлиги, самарадорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

мазкур қарорда назарда тутилган барча чора-тадбирларнинг тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида ижросини ташкил этиш;

касалликлар профилактикаси бўйича дастур ва чора-тадбирларнинг ҳар бир вилоят, туман (шаҳар) доирасида амалга оширилишини ҳамда масъуллар томонидан уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

касалликлар юзага келишининг олдини олишга ва уларни камайтиришга, уларнинг юкиш йўллари ва омилларига таъсир кўрсатишга ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятлар билан боғлиқ бўлган асоратлар оқибатларини тугатишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилишини ташкил этиш;

жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифаларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи тизимли камчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бар-тараф этилишини ташкил этиш;

барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини, шу жумладан, соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқирилишини таъминлаш;

аҳоли орасида соғлом турмуш тарзининг асослари, жумладан, соғлом овқатланиш ва шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, жисмоний фаолликни қўллаб-қувватлаш, зарарли одатларга қарши курашиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот ишлари ташкил этилишини таъминлаш;

санитария-гигиена, эпидемияга қарши, замонавий ва яқка тартибдаги чора-тадбирлар асосида соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ижтимоий-профилактик йўналишларини ривожлантириш бўйича чоралар кўриш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, муассаса ва ташки-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лотлар фаолиятини бирлаштирувчи, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва рағбатлантиришни назарда тутувчи яхлит тизим яратилишини таъминлаш;

аҳоли саломатлиги ҳолатини мониторинг қилишнинг ягона интерактив тизимини яратиш ва бу борада замонавий ахборот ҳамда инновацион технологияларни жорий этилишини ташкил этиш;

халқаро стандартлар асосида доимий популяция текширувлари ва касалликларни келтириб чиқарувчи хавф омиллари бўйича тадқиқот ҳамда сўровлар ўтказилишини ташкил қилиш.

6. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлиги масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи комиссия ишини ташкил этиш, соҳа бўйича вазирлик ва идораларнинг республика — вилоят — туман даражасидаги вазифалари тақсмоти 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади;

Мувофиқлаштирувчи комиссиянинг ўз вазифалари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар учун бажарилиши мажбурийдир;

Мувофиқлаштирувчи комиссия ўз вазифаларини амалга оширишда тегишли вазирлик ва идоралар унга ваколатлари доирасида ҳар томонлама қўмак берадилар ҳамда сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги касалликлар профилактикаси ва жамоат саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ва чоратадбирларнинг ижроси юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритиб боради.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда республиканинг олис ва чекка ҳудудларида оилавий шифокор, тор соҳа мутахассислари ва патронаж ҳамшираларига бўлган эҳтиёжни қоплаш ҳамда аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида ҳар бир тиббиёт муассасасида зарур штат бирликларини жорий қилиш асослилиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот-таҳлил маълумотнома киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Ш. Иноятов, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б.К. Юсу-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

палиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
ПҚ-4891-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги
ПҚ-4891-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4790-сон қарорида:

а) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида юридик мақомига эга бўлмаган Биологик хавфсизлик маркази ҳамда Ген технологиялари маркази ташкил қилинсин»;

б) 1-иловадан «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази» блоки чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4847-сон қарорига 1-илова «Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази» блоки билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**509 Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий
ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон ва Афғонистон давлатларининг тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати натижасида сўнгги йилларда сиёсий, савдо, энергетика, транспорт, коммуникация ва бошқа соҳаларда кенг қамровли ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро савдони янада эркинлаштириш, икки давлат тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда ўзаро савдо ҳажмларини ошириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков) ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигига (Т.А. Боболов) Афғонистон Ислом Республикаси билан ҳамкорлик доирасида қуйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

икки мамлакат ўртасида товарлар ва хизматларни эркин айирбошлашни таъминлашга қаратилган қулай шароитлар яратиш;

Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро йиллик савдо ҳажмини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ доллариغا етказиш мақсадида берилган ваколатлари доирасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг тадбиркорлик субъектлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, инвестициявий лойиҳа таклифларини ишлаб чиқиш, савдо ва инвестиция шартномаларини тузишда кўмаклашиш;

Сурхондарё вилоятининг чегараолди ҳудудида Афғонистон фуқаролари учун тиббиёт, ўқув ва бошқа хизматлар инфратузилмасини ташкил этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6109-сон Фармонида мувофиқ «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати тузилмасига Афғонистон Ислом Республикаси билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирнинг ўринбосари лавозими киритилсин ва у бир вақтнинг ўзида «Термиз халқаро савдо маркази» эркин савдо зонаси дирекцияси директори этиб белгилансин.

4. Қуйидагилар:

Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни ривож-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

лантириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳи) таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Афғонистон Ислом Республикаси билан ташқи иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Сурхондарё вилоятида ташкилотлар томонидан очиладиган ваколатхоналар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

Афғонистон Ислом Республикаси билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари (кейинги ўринларда — «Чора-тадбирлар») 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур қарорнинг 2-илласига мувофиқ тасдиқланган ташкилотлар раҳбарлари жорий йилнинг 1 декабрига қадар Сурхондарё вилоятида ваколатхоналар очилишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.У. Умурзаков), Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Т.А. Боболов), масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари мазкур қарорнинг 3-илласида назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ишчи гуруҳи самарали фаолият олиб бориши учун Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида барча шароитларга эга маъмурий бино ёки ишчи хоналар ажратсин ва зарур жиҳозлар ҳамда уларнинг фаолияти даврида турар жой билан таъминласин.

6. 2020 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислом Республикасидаги элчихонаси штатлар жадвалига меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тегишли ўзгартиришлар киритган ҳолда савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими киритилсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта муддатда Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудида республика тармоқ хўжалик бирлашмаларининг қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини етказиб берувчи марказлашган савдо уйлари ташкил этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг Афғонистон Ислом Республикаси билан ташқи иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўринбосари — Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудидаги савдо уйлари ҳамда ташкилотларнинг Сурхондарё вилоятида ташкил этиладиган ваколатхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ишчи гуруҳи — «Чора-тадбирлар»нинг тегишли вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Сурхондарё вилоятида ваколатхоналар ташкил этадиган тегишли ташкилотлар раҳбарлари — ваколатхоналарнинг самарали фаолиятини таъминлаш ҳамда Афғонистонга экспорт ҳажмларини ошириш учун масъулдир.

* 1 — 3-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков икки ҳафта муддатда Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро йиллик савдо ҳажмини 2 миллиард АҚШ долларига етказиш борасида эришилган келишувларнинг ижроси юзасидан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма «Йўл харитаси» Афғонистон томони билан бирга ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар ой якуни билан «Чора-тадбирлар» ва қўшма «Йўл харитаси» ижроси юзасидан умумлаштирилган маълумотни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков белгилансин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Қабул қилинган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 март ҳамда 1 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 ноябрь,
ПҚ-4892-сон

* 4-илова берилмайд.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ**

**510 «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-
соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек, унга
ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 августдаги ПФ-6044-сон «Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловаға мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ 2021 йил 1 январдан кучға киради.

**Жисмоний тарбия ва
спорт вазири**

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 октябрь,
12-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2020 йил 26 октябрдаги 12-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоровий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2006 йил 10 февралдаги 84-сон «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1550, 2006 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 10-сон, 78-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2007 йил 28 февралдаги 184-сон «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1550-1, 2007 йил 20 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 12-сон, 113-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2009 йил 19 августдаги 802-сон «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1550-2, 2009 йил 19 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 39-сон, 427-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2012 йил 22 августдаги 848-сон «Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1550-3, 2012 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 442-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

511 «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 78-қ/қ, 13/ққ, 32-қ/қ, 162-сон «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 3119, 2019 йил 11 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.01.2019 й., 10/19/3119/2469-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 октябрь,
5-2020-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 8 октябрь,
44-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Н. ХУСАНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 7 октябрь,
38-2020-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг
2020 йил 12 октябрдаги 5-2020-сон, Бандлик
ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
2020 йил 7 октябрдаги 38-2020-Б-сон ва
Молия вазирлигининг 2020 йил
8 октябрдаги 44-сон қарорига
ИЛОВА

**«Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув,
техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг
намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-банддаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари» деган сўзлар «Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилансинки:

Намунавий штатлар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейларига, Ички ишлар вазирлиги идоравий академик лицейларига, Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей, юридик техникумларга, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактабларига, олимпия захиралари коллежларига нисбатан татбиқ этилмайди;

мазкур Намунавий штатлар академик лицей ва касб-ҳунар мактаблари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан, коллеж ва техникумлар учун тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан жорий қилинади;

Намунавий штатлар жорий қилиниши муносабати билан бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув ёрдамчи ходимлар сонининг қисқариши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

айрим академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумларнинг штатлар жадвалларини тузишда, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Намунавий штатларда кўзда тутилмаган лавозимлар ва ходимлар сони белгиланиши мумкин.»;

в) 3-банддаги «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг» деган сўзлар «Академик лицей, касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

Келишилди:

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2020 йил 12 сентябрь

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Ш. КУДБИЕВ

2020 йил 15 сентябрь

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 26 октябрдаги 12-мх-сон «Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1550-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 октябрдаги 5-2020-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 7 октябрдаги 38-2020-Б-сон, Молия вазирлигининг 2020 йил 8 октябрдаги 44-сон «Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдмчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3119-1.